

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК 677. 024

Изатиллаев Музаффархон Муссахон ўғли

ТҮҚУВ ДАСТГОҲИДА КЎЙЛАҚБОП ТҮҚИМАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ОМИЛЛАРИНИ МЕЁРЛАШТИРИШ

Мутахассислик: 5А320904 – «Тўқимачилик маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш технологияси (тўқима)»

Магистр академик даражасини  
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:  
т.ф.н.доц. Раҳимходжаев С.С.  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 й

Тошкент – 2019 й

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I.БОБ. АДАБИЁТЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИ	
1.1.Тўқима тузилишига оид адабиётлар тахлили.....	7
1.2.Тўқима ишлаб чиқаришига оид адабиётлар тахлили.....	11
II.БОБ.ТАДҚИҚОТ МЕТОДИКАСИ	
2.1. Кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш технологияси ва технологик омилларни тахлили.....	17
2.2.Тўқув дастгохларида танда иплар таранглигини тажриба оркали аниклаш восита ва усуллари.....	26
2.3. Фаол тажриба-синов пайтида регрессион бир омилли математик моделни аниклаш услубияти.....	34
III.БОБ.ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ	
3.1. Тўқув дастгохи омилларининг тўқима хусусиятларига тасири.....	45
3.2.Кўйлакбоп тўқима тузилишининг экспериментал тадқиқотлари.....	72
ХУЛОСА .....	81
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	82
ИЛОВАЛАР.....	88

## **КИРИШ**

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.** Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноатини ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида маҳаллий тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш ҳажмини ошириш, илфор чет эл фирмалари билан ҳамкорликда соҳа корхоналарига энг янги технология ва ускуналарни жорий этиш эътироф этилади. Ҳозирги вақтда Республикада турли соҳалардаги актуал муаммоларни бартараф этиш, жумладан тўқимачилик материаллари, айнан физик-механик, гигиеник ва технологик хусусиятлари бўйича кўйлакбоп тўқималарни ишлаб чиқариш ҳамон етарли даражада эмаслиги ўзечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Диссертация ишида, янги таркибли кўйлакбоп тўқималар маҳаллий хом ашё пахта ипидан тўқима ишлаб чиқариш вазифаларини олдинга сурилган.

Бу эса ўз навбатида, жаҳон бозорига янги ассортиментдаги табиий толалардан ишлаб чиқарилган кўйлакбоп тўқималар билан чиқиш имкониятларини яратади. Илмий-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш миллий иқтисодиётимиз равнақининг асосидир.

Юртбошимиз иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашни ислоҳотларни, чукурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилади. «Мазкур ўзгаришлар,-деб таъкидлади, Президентимиз, - корхоналарни янгилаш ва қайта техник жиҳозлашга мамлакатимизнинг бой табиий ва минерал хом ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор...». [1-2]

Табиий хом ашёдан тайёрланган маҳсулотга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Жаҳон модасида пахта ва ипак толалари иштирок этадиган газламалар катта муваффақият қозонмоқда. Асосий бойлигимиз бўлган

маҳаллий тўқимачилик толаларини қайта ишлаш ҳажмини ошириш, уларга кимёвий толалар аралаштириб янги ассортиментдаги газламалар яратиш йўлларини излаб топиш муҳим ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан тўқимачилик мутахассислари ва олимлари олдига жуда катта долзарб масалалар қўйилди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, сифатли тўқима ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, жаҳон бозорида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги остида рақобатбардош маҳсулотлар билан савдо қилишга эришиш муаммоларини ҳал этиш бугунги кунда ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқот обьекти ва предмети.** Кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш жараёни, омиллари ва эксплуатацион хоссалари.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш омилларини меъёрлаштириш ва рақобатбардош маҳсулот ҳисобига экспорт салоҳиятини юксалтириш ишнинг мақсади деб белгиланган.

Ишнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- кўйлакбоп тўқималарни тузилишига ва ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш жараёнини яратиш ва меъёрлаштириш;
- кўйлакбоп тўқиманинг эксплуатацион ҳусуятларини аниқлаш ва тадқиқ этиш.

**Илмий янгилиги.** Олиб борилган назарий ва амалий изланишлар натижасида:

- кўйлакбоп тўқима яратилди ва ишлаб чиқариш жараёни меъёрлаштирилди;
- математик моделни таҳлил қилиш натижасида омилларининг кўйлакбоп тўқима хусусиятларига тасири аниқланди;
- кўйлакбоп тўқималарнинг таркиби ва фойдаланилган ипларнинг чизиқли зичлигиги ўзгартириш ҳисобига тўқиманинг физик-механик хусусиятларини яхшилашга эришилди.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Диссертациянинг асосини мамлакатимиз ва хориждаги кўйлакбоп тўқималар ишлаб чиқариш

соҳасидаги етакчи олимларнинг илмий ишлари ташкил этади. Диссертация ишида кўйлакбоп тўқималарни турлари, уларга қўйилган талаблар ва ишлаб чиқариш технологияси атрофлича ўрганилади. Махаллий хом ашёдан кўйлакбоп тўқимани янги ишлаб чиқариш технологик жараёнини ва уларнинг омиллари асосида яратиш ва меёrlаштирииш масалалари илгари суриласди.

**Тадқиқот мавзуси буйича адабиётлар шархи (тахлили).** Ўрганилган адабиётлар таҳлилидан қуидагиларни қайд қилиш мумкин: кўйлакбоп газламалар ишлаб чиқариш технологияларда охорлаш жараени кулланади; кўйлакбоп газламалар ишлаб чиқаришга оид илмий тадқиқотлар жуда кам олиб борилганлиги аниқланди.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Диссертация ишида қўйилган вазифаларни ечишда назарий ва экспериментал усувлардан фойдаланилди. Барча экспериментал тадқиқотлар ТТЕСИ тўкув лабораториясида, хамда “Тўқимачи Абдулло МЧЖ” корхонасида ўтказилди.

Назарий изланишлар бўйича тўқимачилик маҳсулотлари технологияси ва технологик жараёнини математик моделлаштириш назарий асослари ва тадқиқотлар натижаларидан, қўшимча адабиётлар ва манбалардан самарали фойдаланилди.

Экспериментал намуналарнинг физик-механик хоссалари ТТЕСИ қошидаги «CENTEX UZ» синов ва сертификатлаштириш марказида аниқланди. Регрессион математик моделларни ечишда ЭҲМ дастурларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Ўтказилган илмий тадқиқот изланишлари натижасида кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш жараёни яратилди ва меёrlаштирилди. Кўйлакбоп тўқима тўкиш жараёнида муқобил омил кўрсаткичлари тўкув дастгоҳида аниқланди. Тадқиқот натижалари “Тўқимачи Абдулло МЧЖ” корхонадаги мавжуд ускунада кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш омиллари асосида ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш тавсия этилди. Янги усулда тўқима ишлаб

чиқариш иқтисодий самарадорлиги бир йилда 36098000 сўмни битта тўқув дастгоҳи учун ташкил этмоқда. Диссертация иши Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Тўқимачилик матолари технологияси» кафедрасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилди.

Ишнинг асосий натижалари республика илмий амалий анжуманларда «Пахта тозалаш, тўқимачилик, матбъя ва енгил саноати техника ва технологияларини такомилаштириш муамоли масалаларини ечишда (Тошкент-2018)» маъruzга килинди ва 4 та илмий мақола Институтнинг магистрлик илмий амалий анжуманларда чоп этилган.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Магистрлик диссертацияси кириш, З та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 87 бет, жадваллар ва расмлардан иборат. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида интернет сайтлар ва илова келтирилган.

# **І БОБ. АДАБИЁТЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР**

## **НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИ**

Диссертация мавзусига алоқадор илмий тадқиқот ишлари (Республика кутубхоналарида мавжуд диссертациялар, диссертация авторефератлари, патент ва ихтиро хужжатлари) тахлил этилди. Адабиёт тахлилида шунингдек, соҳага оид интернет маълумотлари ҳам ўрганилди.

### **1.1. Тўқима тузилишига оид адабиётлар тахлили**

Тўқима тузилишини аниқловчи омиллар, тўқув дастгоҳига тахтлаш кўрсаткичлари ва ишлаб чиқариш технологиясининг мато сирт кўринишига таъсирига оид жуда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган [3].

Тўқима тузилиши назарияси асосчиси профессор Н.Г.Новиков тадқиқотлари [4] асосан тўқима хоссаларига унинг тузилишини аниқловчи омилларнинг таъсирига бағишлиланган. Тўқима тузилишига таъсир этувчи омиллар тахлилида тўқималарда танда ва арқоқ иларининг жойлашишлари, тўқималарнинг асосий геометрик хусусиятлари, уларнинг шартли 9 та фаза тартибларига алоҳида эътибор берилган. Тўқиманинг геометрик ва технологик зичликлари тушунчаси изоҳланиб, уларни аниқлаш усуллари келтирилган.

Болгар ва рус олимлари олиб борган тадқиқотлар тўқималарни замонавий лойиҳалаш усулларига бағишлиланган бўлиб, [5] китобда Европалик олимлар Д.Ж.Морфи, Бонн, Е.Ерметдж ва бошқаларнинг тўқима тузилишига оид назариялари тахлил этилган.

Тўқима тузилиши ва уни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштирилишига қатор олимларнинг докторлик диссертация ва монографиялари [6,7,8,9] бағишлиланган. В.П.Склянниковнинг монографиясида [6] кимёвий тола (вискоза ва лавсан) лардан ишлаб чиқарилган тўқималарнинг механик хоссалари ва тузилишини мақбуллаштириш масалалари бўйича тадқиқотлар келтирилган.

Н.В. Лустгартенning докторлик диссертацияси [5] тўқиманинг дастгоҳда шакланиш жараёнини барқарорлаштиришга бағишлиланган бўлиб, унда танда ипини қисқариш қиймати бўйича таранглигини ростлаш курилмаси яратилган.

Маълумки, тўқима таркибини асосан қўлланилган ипларнинг толавий таркиби, танда ва арқоқ иплари чизиқий зичликлари, уларнинг нисбати, тўқимада танда ва арқоқ бўйича зичликлари, уларнинг нисбати, ўрилиш тури ҳамда тўқув дастгоҳида ишлаб чиқариш шарт-шароитлари белгилайди. П.В.Букаев томонидан олиб борилган тадқиқотлар [6] мокисиз тўқув дастгоҳларида тўқима шакланиш жараёнини мақбуллаштириш масалаларига бағишлиланган.

А.Н.Могильныйнинг докторлик диссертацияси [7] техник мақсадда фойдаланиладиган тўқималарни лойиҳалаш услублари ва ишлаб чиқариш технологияси тадқиқотларига йўналтирилган бўлиб, бу турдаги тўқималарнинг таркиби ҳамда хоссаларини алоҳида таҳлил этилган.

Тўқималарнинг ўрилишлари уларнинг тузилишини ҳамда фойдаланишдаги хоссаларини белгилайди. К.А.Курочкин ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида [8] тўқима ўрилишларини унинг хоссаларига таъсири ўрганилган. Унда саржа ўрилишида иплар энг кам кучланиш ҳолатида бўлиши, иплар қисқариши, тўқиманинг юза зичлиги, қалинлиги, ҳаво ўтказувчанлиги таҳлил қилинган.

Арқоқ бўйича зичлашган тўқималар таҳлили натижалари келтирилган В.С.Башметов ва бошқаларнинг тадқиқотлари [9] юқори зичлик билан тўқилган матоларнинг тузилиши ва физик-механик хоссаларини ўрганишга йўналтирилган. Унда тахтлаш кўрсаткичларини мақбуллаш ва тайёрлаш - арқоқ иплари тузилишига мос ҳолда бўлиши тавсия этилган.

Янги ассортиментни яратишда тўқима тузилиши қўрсаткичларини танлаш катта аҳамиятга эга бўлиб, улар тўқима хоссаларини, ташки кўринишини ва ишлаб чиқариш шароитларини белгилайди.

Н.А.Федеренконинг тўқима тузилишини баҳолашга бағишланган тадқиқот ишларида [10] танда ва арқоқ ипларининг чизиқий зичлиги, ўрилиши, тўқима зичлиги каби тўқима тузилишини аниқловчи асосий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги таъкидланган. Тўқима тузилиши геометрик назарияси ва лойиҳалашни аналитик боғлиқликлари асосида тўқима таркиби мақбуллигини баҳолаш мумкинлиги кўрсатилган.

Тўқималар ассортиментини кенгайтириш мақсадида Т.Ю.Ерохин томонидан АТПР тўқув дастгоҳининг мато ростлагичи устида тадқиқот ишлари [11] олиб борилган ва уни модернизация қилиш асосида тўқима сиртида кўндаланг йўналган йўллар ҳосил қилиш имкони яратилган.

Турли толавий таркибга эга бўлган ипларнинг метода турлича киришишидан фойдаланиб, мато сиртида турли геометрик нақш ҳосил қилишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлари мавжуд. Вельвет типидаги тўқималарни ишлаб чиқаришда [12] турли компонентли кимёвий иплардан фойдаланиб, ип узунлиги бўйича компонентларнинг турлича киришиши ҳисобига мато сиртида нақш ҳосил қилинган.

Йўл-йўл тўқима ишлаб чиқаришда [13] гидравлик тўқув дастгоҳларида полиэфир танда иплари суюқлик форсункаларига боғлиқ ҳолда дастлаб гидрофоб қайта ишловдан ўтказилади. Бир вақтнинг ўзида турли рангдаги танда ипларини турлича тўқув ғалтакларига ўраб, тўқима сиртида йўл-йўл нақшлар ҳосил қилинади.

Жуда кўп тўқималарда рельефли нақшлар силлиқ юзада маълум масофа оралиғида жойлаштириб ишлаб чиқилади. Бўртма нақш кенглиги, тўқима фонида жойлашган бўртма нақшлар оралиғи турлича бўлиши мумкин. Кенглиги катта бўлган нақш рельефи кўриниши бузилади, ёқимсиз кўринишга келиб қолади. Агар тўқимада кенг бўртма нақшдан фойдаланишга тўғри келиб қолса, [14-22] нақш рельефи аниқроқ кўриниши учун қўшимча танда билан кучайтирилади.

Ундан ташқари кўп қатламли тўқималар ишлаб чиқариш тадқиқотларига йўналтирилган [23] ишда қатламли тўқималардан транспортёр лентаси, қоғоз тайёрлаш машинаси ёки фильтрлаш материали сифатида фойдаланиш ҳам тавсия этилган.

Тўқималарнинг қалинлиги нафакат уларнинг физик-механик хоссаларига балки сирт кўринишига ҳам таъсир қилади. Тўқима қанча қалин бўлса, унинг сирт гижимланувчанлиги ҳам шунча кам бўлади. Мураккаб тўқималар ўрилиши ҳисобига тўқима қалинлигини ошириш тадқиқотларига бағишлиланган [24,25,26,27] республикамиз олимлари ишларини қайд этиб ўтиш лозим.

О.Т.Жўраевнинг тадқиқотлари [24] ўта қалин пойабзал ишлаб чиқаришда қўлланиладиган тўқималар яратиш технологиясига бағишлиланган. Кўп қатламли тўқималарнинг турли элементларига тавсиф бериш ва таснифини тузишда янги тушунча ва терминлар киритилган ва изоҳланган.

Б.К.Хасановнинг мураккаб тўқималар ўрилишининг қопсимон турига бағишлиланган тадқиқотларида [25] куруқ ерларни ўзлаштиришда қўлланиладиган чокли қувурлар ўрнига чоксиз қувур ишлаб чиқариш таклиф этилган.

М.Р.Юнусходжаеванинг номзодлик диссертациясида [26] тикувчиликда ишлатиладиган қотирма матолар қалинлигини елимлаш усулида ошириш ўрнига мураккаб тўқималар ўрилиши асосида тўқима ишлаб чиқариш тадқиқотлари ўтказилган.

У.Т.Абдуллаевнинг тўқима қалинлигини оширишга йўналтирилган номзодлик диссертациясида [27] хом ашё тежамкорлиги асосида қатламли тўқималар ишлаб чиқариш усули тавсия этилган.

А.Д.Даминов мақолада исталган ўрилишли бир қатламли тўқималар ўрилиш коэффицентининг умумий холда тўқима фазовий тузилиши тартибга боғлиқлиги тахлил қилинган. Хусусан, ноквадрат рапортли ўрилишга эгабўлган тўқималарнинг ўрилиш коэффицентлари фазадан фазага сезиларли даражада ўзгариши асослаб берилган.

М.А. Сайфиеванинг [28-30] ишида газламалар ассортиментидаги йўл-йўл нақшли тўқималарни ўзига хослиги ва қўлланилишлари таҳлил этилган.

## **1.2. Тўқима ишлаб чиқаришига оид адабиётлар таҳлили**

М.В.Чумаков ўз тадқиқотларида кўп рангли механизмни қўллаган ҳолда арқоқ бўйича зичлиги ўзгарувчан бўлган тўқималарни тўқиши технологиясини таҳлил қилган [31]. Муаллифнинг таъкидлашича кўп рангли механизм билан бир қаторда арқоқбўйича зичлиги ўзгарувчан тўқималарни тўқиши дастгоҳнинг ассортимент имкониятларини кенгайтиради. Бундай тўқималарни тўқиши жараёнидаги танда ишининг таранглиги таҳлил қилинган ва уни камайтириш усуллари таклиф этилган.

А.А.Савельева арқоқ бўйича зичлиги ўзгарувчан бўлган тўқималарни тўқиши пайтидаги дастгоҳни тахтлаш системасининг бикрлик коэффициентини тадқиқот қилиш масаласини кўриб чиқкан [32]. Арқоқ бўйича зичлик ўзгарган пайтда тўқиманинг бикрлик коэффициенти ўзгаради, натижада эластик тахтлаш системанинг бикрлиги ҳам ўзгаради.

С.М.Кузнецова ўзгарувчан зичликдаги тўқималарни СТБ дастгоҳида тўқиши жараёнини муқобиллаштириш масалаларини кўриб чиқкан [33]. Кўп омилли тажриба усулини қўллаган ҳолда танда ипларининг узилишини математик модели олинган.

А.М. Кузнецов полотно ўрилиши тўқималарни тўқишида арқоқ ишини тўқима четига жислаш пайтидаги танда ва арқоқ ипларининг таранглигини таҳлил қилган [34]. Тадқиқотлар натижасида муаллиф қуидаги хulosаларга келган:

1. Арқоқ ишининг эгилиши, ишқаланиш коэффициенти, танда, арқоқ бўйича зичликлар нисбати камайган сари арқоқипини тўқима четига жислаш пайтидаги танда ишининг таранглиги камаяди.
2. Арқоқ ишининг чизиқли зичлиги ўзгарган сари танда ишининг таранглиги ўзгаради.

3. Тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги ортган сари танда ипининг таранглиги ортади.
4. Тўқимада белгиланган арқоқипларининг зичлигини хосил қилиш иплар орасидаги ишқаланиш бурчакларининг қийматларига боғлик.

Бу ишда асосан батан механизмининг иши таҳлил қилинди.

В.Н. Васильченко ишида танда ва арқоқипи орасидаги ишқаланиш коэффициенти ва ипларни эгилувчанлигини тўқима хосил бўлиш жараёнига таъсири таҳлил қилинган [35]. Муаллиф тўқиманинг қолдик таранглигини хисоблаш учун тенглама таклиф этади. Унинг хулосалари юқорида кўрсатилган хулосаларга яқин.

Э.А.Оников ўз тадқиқотларида зичлиги юқори бўлган тўқималарни СТБ дастгоҳида тўқиши масаласини ўрганган [36]. Тадқиқот пайтида асосан танда ипининг таранглиги ва тўқима қирғонининг силжиш миқдори дастгоҳнинг тахтлаш омилларига боғлиқлиги таҳлил қилинган.

О.Ю.Михайлук тўқув дастгохининг ассортимент имкониятларини математик усул билан тенглама ёрдамида аниқлаш масалаларини ўрганиб чиққан [37]. Тўқиманинг толали материаллар билан тўлдирилиш коэффициенти асосий меъёр сифатида қабул қилинган

С.С.Юхин ўз ишида тўқима тузилиши омилларини хисоблаш масалаларини кўриб чиққан. АТПР дастгоҳида арқоқбўйича тўқима зичлигини ўзгартирган ҳолда уч ҳил вариантдаги тўқима олинган ва уларнинг тузилиш омиллари аниқланган [38,39].

С.В.Ямщиков тўқима қирғонида жойлашган арқоқипларининг силжиш масаласини кўриб чиққан [40]. Тажриба ёрдамида тўқима қирғонидаги силжиётган арқоқиплари сони ва тўқима қирғонининг силжиш миқдори аниқланган.

В.Ю.Селиверстов ўз тадқиқотларида мокисиз дастгохларнинг ассортимент имкониятларини кенгайтириш мақсадида АТПР дастгохининг такомиллаштирилган тўқима ростлагичини таклиф этади [41]. Бу ростлагич

арқоқ бүйича зичлиги юқори бўлган тўқималарни тўқиши учун мўлжалланган бўлиб, унда вальян харакатланганда керак бўлган миқдордан кўпроқ айланади, сўнгра вальян орқага айланиси ҳисобига тўқима бирмунча тўқима қирғогига қайтади.

В.Ю.Селиверстов АТПР дастгохининг такомиллаштирилган тўқима ростлагичини қўллаган ҳолда тўқилган тўқималарнинг хусусиятларини кўп омили тажриба усули ёрдамида таҳлил қилган [42-44]. Такомиллаштирилган тўқима ростлагичи танда ипининг таранглигига таъсири таҳлил қилинган ва тўқимани тескари харакатлантириш пайтида танда ипининг таранглиги камайиши аниқланган.

Ю.Ф.Ерохин ўз ишларида тўқув дастгохининг танда ва тўқима ростлагичларини бир–бирига боғлиқравишда ишлашини таҳлил қилган ва буни амалга ошириш учун такомиллаштирилган танда ва тўқима ростлагичларини таклиф этган [45]. Бу конструкцияда танда ва тўқима ростлигичи бир–бирига боғлиқравишда маҳсус қулачокдан ҳаракат олади. Такомиллаштирилган танда ва тўқима ростлагичларини қўллаш тўқима четини силжиш миқдорини 30 фоизга камайтириш имкониятини берган, натижада ипларнинг узилиши анча камайган.

Б.М. Примаченко зичлиги юқори бўлган техник тўқималарнинг танда ва арқоқ бўйича тўлдирилиш даражаси уларнинг сирт зичлигига қандай таъсир этишини аниқлаган [46]. Турли тузилишдаги тўқима намуналарининг тадқиқотлари асосида муаллиф тўлдирилиш даражаси ва сирт зичлиги орасидаги боғлиқликни аниқлаган.

Г.И.Муратова тўқимада арқоқжойлашиши нотекислигини камайтириш масалаларини кўриб чиққан [47]. СТБ-180 дастгоҳида турли хил зичликдаги тўқималарни тўқиши жараёнидаги арқоқзичлигининг нотекислиги таҳлил қилинган.

1.1-жадвалда [6]ги кўйлакбоп газламалардан намуналар келтирилган.

## Кўйлакбоп газламаларнинг ассортименти

№	Номер артикула	Линейная плотность пряжи		Число нитей на 10 см ткани		Уработка нитей, %		Номер берда	Переплетение	Поверх. плотн. ткани, г/м <sup>2</sup>
		T <sub>o</sub>	T <sub>y</sub>	P <sub>o</sub>	P <sub>y</sub>	a <sub>o</sub>	a <sub>y</sub>			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	305	18,5	15,4	250	178	4,8	7,2	115	Полотно	176
2	317	15,4 гр.	11,8 гр.	342	346	7	6,4	160	Полотно	103
3	318	14 гр.	11,8 гр.	342	346	7	6,4	160	Полотно	97
4	329	15,4 гр.	11,8 гр.	342	346	7	7,4	160	Полотно	103
5	331	15,4 гр.	11,8 гр.	296	228	5	5,4	140	Полотно	78
6	332	15,4 гр.	11,8 гр.	183	165	3,5	7,2	85	Полотно	51
7	333	18,5	15,4	279	268	5,7	6,8	128	Полотно	102
8	346	14 гр.	16,5 гр.	337	266	8,2	5,4	160	Полотно	101
9	354	14 гр.	14 гр.	340	305	8,5	5,9	160	Полотно	101
10	704	10x2	10x2	326	208	7	4,6	104	Полотно	115
11	719	42	42	175	148	3,1	8,6	80	Полотно	148
12	749	7,5x2	10x2	386	236	8,5	3,8	125	Полотно	114
13	750	7,5x2	10x2	386	236	8,5	2,8	125	Полотно	114
14	816	7,5x2	7,5x2	444	236	7,9	3,6	107	Полотно	110
15	840	11,8x2	25 гр.	355	180	8,7	2,8	115	Полотно	139
16	843	7,5x2	20 гр.	429	225	7,9	3,9	103	Мелкоузорчат.	119
17	871	11,8x2	25 БД	350	204	9	3,8	115	Полотно	150
18	874	18,5x2	36	183	184	6	7,6	85	Полотно	148
19	876	15,4x2	36	218	170	3,5	8,3	100	Полотно	140
20	878	10 гр.x2	20 гр.	309	212	8	2,8	100	Полотно	112
21	879	25 БД 33%ВПэф	25БД 33%ВПэф	257	210	6	7,6	118	Полотно	129
22	880	7,5 гр.x2	10 гр.x2	360	230	6,4	4,2	115	Комбин.	108
23	883	14гр. 33%ВПэф	25 33%ВПэф	375	194	7	5,3	135	Комбин.	112
24	886	11,8 гр.x2	11,8 гр.x2	276	190	6,5	4,5	88	Полотно	120
25	888	18,5 45%ВПэф	18,5 45%ВПэф	258	230	7	7	120	Полотно	99
26	943	18,5x2	16,5x2 25%ВВис	279	170	9,1	3,5	112	Полотно	174
27	948	14 гр.	16,5 гр.	436	277	9	4,1	140	Комбин.	120
28	966	14 гр.	16,5 гр.	372	267	11	4,7	120	Комбин.	110
29	977	14 гр.	20	270	270	6	5,2	110	Мелкоузорчат.	99
30	983	7,5 гр.x2	9 гр.x2	669	189	8,4	1,8	165	Полотно	145
31	1078	14 гр.	20	272	220	6	5,7	130	Полотно	90
32	1084	14 гр.	14 гр.	288	270	6	6,2	135	Полотно	86

33	1086	14гр. 33%Всибл	25 33%Всибл	335	200	4	6	105	Полотно	105
34	1250	15,4x2	29	248	213	6,7	7,1	100	Полотно с атлас полосой	143
35	1302	25 БД	25БД	176	202	3,5	9,1	80	Полотно	98
36	1307	11,8x2 33% ВПЭФ	16,5x2 33%ВПЭФ	248	262	5,2	7,3	115	Комбинирован.	110
37	1402	10 гр.	8,5 гр.	366	346	6	7,3	113	Полотно	73
38	1413	14 гр.	16,5 гр.	266	216	5	6	125	Полотно	78
39	1425	11,8 гр.	11,8 гр.	280	260	6	7,2	130	Полотно	68
40	1436	16,5	15,4	236	236	4,8	11,3	110	Комбин.	83
41	1449	15,4	20	396	220	6	5,4	125	Комбин.	115
42	1455	16,5 гр.	11,8 гр.	270	265	5,5	8	125	Полотно	81
43	1465	5,9 гр.x2	5,9 гр.x2	276	270	5,7	5	130	Полотно	71
44	1470	7,5 гр.	5,9 гр.	429	504	6	7,8	198	Полотно	72
45	1471	11,8 гр.	11,8 гр.	406	384	7	6,4	190	Полотно	108
46	1472	7,5 гр.	5,9 гр.	429	504	6	6,3	198	Полотно	72
47	1474	10,8 гр.	9,1 гр.	454	472	9,1	5,3	215	Полотно	105
48	1481	42	50	150	100	4,5	8,1	70	Полотно	123
49	1503	10 гр.	10 гр.	322	208	7	6,8	150	Полотно	69
50	1512	10x2	11,8	248	265	6,5	7,2	115	Полотно	87
51	4467	16,5 гр.	11,8 гр.	275	269	3	9,2	125	Полотно	82
52	4471	15,4 гр.	11,8 гр.	303	302	4,8	8,9	138	Полотно	87
53	4491	11,8 гр.x2	15,4	204	240	5,7	7,8	94	Полотно	94
54	7019	7,5	5,9	429	456	6	6,3	190	Полотно	69
55	7031	11,8 гр.	11,8 гр.	406	384	7	6,5	190	Полотно	108
56	7173	9 гр.	5,9 гр.	508	506	6,5	5,5	160	Полотно	87
57	7269	15,4 гр.	15,4 гр.	282	340	8	8,1	130	Полотно	106
58	7281	10,8 гр.	10,8	278	300	5,5	6,7	130	Полотно	73
59	7299	15,4 гр.	15,4 гр.	282	340	8	7,8	130	Полотно	106
60	7342	11,8 гр.	10,8 гр.	427	460	9,5	5,8	201	Двух-слойное	111

1-жадвални қиёсий таҳлили күрсатадики күйлакбоп газламалар ишлаб чиқариш учун охорлаш жараёни қулланади.

Үрганилган адабиётлар таҳлилидан куйидагиларни қайд қилиш мумкин: күйлакбоп газламалар ишлаб чиқариш мавжуд технологияларда

охорлаш жараёни қулланади; кўйлакбоп газламалар ишлаб чиқаришга оид илмий тадқиқотлар жуда кам олиб борилганлиги аниқланди.

Илмий ишнинг мақсади ва адабиётлар таҳлили асосида диссертацияда куйидаги вазифаларни бажариш белгиланди:

- кўйлакбоп тўқималарни тузилишига ва ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш жараёнини яратиш ва меёrlаштириш;
- янги ишлаб чиқариш усулда кўйлакбоп тўқиманинг эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш ва тадқиқ этиш.

## **II БОБ.ТАДҚИҚОТ МЕТОДИКАСИ**

### **2.1. Кўйлакбон тўқимани ишлаб чиқариш технологияси ва технологик**

#### **омилларни таҳлили**

Жуда қадим замонларда инсонлар тўқима ўрилишини кашф қилганлар. Инсонлар тўқув дастгоҳлари яратилишидан аввал қўлда тўқишар эди. Энг қадимги ўрилиш деб полотно ўрилишини айтсак бўлади. Бу тўқима ўрилиши жуда содда ўрилиш ҳисобланиб, унда танда ва арқоқ иплари навбат билан ўрилади.

Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқарилаётган тўқималар қўйидаги белгиларига кўра таснифланади:

1. Толали таркибиغا кўра;
2. Пардозланиши турига кўра;
3. Нима мақсадга мўлжалланганлигига кўра;
4. Тўқима ўрилишига кўра.

Толали таркибиغا кўра қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинади: ипгазламалар, ипак тўқималари, жун тўқималари, каноп тўқималар. Бу гуруҳларнинг ҳар бири яна гуруҳларга бўлинади, масалан, ипак тўқималарга табий ва сунъий ипак тўқималари киради.

Пахта ипидан тайёрланган тўқималар бошқа умумий ишлаб чиқариладиган тўқималарнинг 70%дан кўпроғини ташкил етади. Бундай тўқималар ишлатилишига қараб қуйидагиларга бўлинади: ички кийим учун – бўз, чит, малъ-малъ, шифон тўқималари ишлатилади; сатин-аёллар, болалар кийими, корхона кийими, пахмоқ, чойшаб, еркаклар қўйлаги, астарлик буюмлари сифатида ишлатилади; кўйлаклик тўқималарга - шотланка, креп тўқималари, репс тўқималари, маркизет, бумазея, батист, фланель ва ҳоказо; устки кийим тўқималарга - диоганалъ саржа. Бундай тўқималарга корхонада кийиш учун тўқима, техник тўқима ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари ипгазламаларга қўйидаги тўқималар киради: астарлик тўқима; тукли тўқима; мебельлар учун тўқима; якка тартибда чиқариладиган тўқима.

Каноп ипидан ишлаб чиқарилган тўқималарнинг артикули бешта сондан иборат бўлади. Бундай тўқималарга қуидагилар киради: полотно тоза канопли; полотно аралаш хом-ашёли; мебелбоп тўқималар, бу тўқималар майда нақшли ўрилишлар ёрдамида олинниб, рангли иплар қўлланилади; якка тартибда чиқарилувчи тўқималар чойшаб, дастрўмол, сочик, дастурхон, кўрпа ёпқич тўқималар.

Жундан тўқиладиган тўқималар ишлатилиш вазифаларига қараб: костюмлик тўқималар (бостон, креп рангланган); палтолик; оёқ кийимлик; мебел-безаклар; пайтовалик; чойшоблик; рўмоллик; дастурхонлик тўқималарга бўлинади. Хомашё турига қараб жун тўқималари тоза жунли, аралаш жунли тўқималарга бўлинади. Ишлаб чиқариш ва ишлов бериш рангланишига қараб: бир хилда рангланган, рангланмаган, туки чиқарилган тўқималар; меланж чипор тўқималар; хар хил рангли, декоратив тўқималарга бўлинади. Ўрилиш турига қараб бош ўрилишли, майда нақшли, мураккаб тўқималар ўрилишли, йирик нақшли тўқималарга бўлинади.

Шойидан тўқиладиган тўқималар ишлатилиш вазифаларига кўра: ички кийимлик (халат, нимча ва ҳоказо); кўйлаклик (еркаклар кўйлаги ва бошқалар); кўйлаклик- костюмлик; плащик; устки кийимлик: пальто, спорт кийимлари; астарлик; мебел–безаклик; тўқимачилик атторлик: зонтик, шарф, дастрўмол, галстук. Хомашё турига қараб: тоза ипакдан бўлган тўқималар; сунъий ипакдан бўлган тўқималар; синтетик иплардан тўқилган тўқималарга бўлинади.

Пардозланиши турига кўра:

- хом тўқималар, пардозлаш саноатида маҳсус ишлов берилади;
- охорланган тўқималар, аввалига охордан тозаланади;
- оқартирилган тўқималар;
- битта рангга бўяладиган тўқималар;
- гул босма тўқималар;
- мерсеризациялаштирилган тўқималар ва ҳ.к.

Нима мақсадга мўлжалланганлигига кўра:

- 1.Кийимбоб: ич кийимлик, күйлакбоб, костюмбоб, пальтобоб;
- 2.Хўжалик эҳтиёжи тўқималари: одеял. парда, мебельбоб, гиламлар;
- 3.Техник тўқималар: фильтрлар, ременлар, шиналар, линолеум, изоляторлар.

Тўқима ўрилишига кўра тўртта синфга бўлинади [3]:

- Бош (асос) ўрилишлар;
- Майда нақшли ўрилишлар;
- Мураккаб тўқималар ўрилиши;
- Йирик нақшли ўрилишлар.

Бош (асос) ўрилишлар билан ишлаб чиқарилган тўқималар сидирға бўлиб, уларда нақшлар бўлмайди. Бош ўрилишни ташкил қилувчи кичик синфлар қуидагилар:

- Полотно ўрилиши;
- Саржа (силон) ўрилиши;
- Атлас (сатин) ўрилиши.

Майда нақшли ўрилишлар иккита кичик синфга бўлинади- ҳосила ва аралаш ўрилишлар.

Ҳар бир кичик синф ўрилишлар ўз навбатида гурӯх ва кичик гурӯҳларга бўлинади.

Ҳосила ўрилиши гурӯҳига қуидаги кичик гурӯх ўрилишлари-полотно ҳосиласи, саржа ҳосилалари, ва атлас (сатин) ҳосилалари киради.

Ўз навбатида полотно ҳосиласига танда репси, арқоқ репси ва рогожка каби ўрилишлар киради.

Ҳосиласи кучайтирилган мураккаб саржа, синик (қайтма) саржа, хочсимон саржа, ромбасимон саржа, соявий саржа ташкил этади. Бу кичик гурӯхга шунингдек янги яратилган саржанинг иккинчи ҳосиласи хам киради.

Атлас (сатин) ҳосиласига кучайтирилган атлас, нотўғри атласлар, соявий атлас ва ярим кучайтирилган атласлар киради. Иккинчи синф майда нақшли ўрилишларни иккинчи кичик синфи аралаш ўрилишлар қуидагилардан иборат:

Геометрик нақшли, креп (жилва)ли, тирқишли түқима, түшамаси маҳкамланган, диогональ, вафель ва нақши шаклланишида рангли иплар қатнашган түқималар киради. Бу гурух ўрилишлар ҳам ўзларини кичик гурухларига эга.

Учинчи синф мураккаб түқималар ўрилишини қўйидаги кичик синфлар ташкил этади:

Бир ярим қатламли түқималар, икки қатламли түқималар, икки ярим қатламли түқималар, кўп қатламли түқималар, тукли түқималар, пике түқималари, ажур ўрамали түқималар ўрилиши киради.

Бу кичик синф ўрилишлари ҳам ўзларини гурух ва кичик гурухларига эга. Жумладан бир ярим қатламли түқималар қўшимча тандали ёки қўшимча арқоқли бир ярим қатламли түқималар гурухига, улар ўз навбатида икки юзли ва икки томонли кичик гурухларга бўлинади.

Икки қатламли түқималар кичик синфида қатламлари милкда боғланган ёки полотно бўйлаб боғланган кичик гурухларга бўлинади.

Кўп қаватли түқималар кичик синфи: ўч қатламли; ўч ярим; тўрт; тўрт ярим; ва хоказо қатламли түқималар ўрилишлари гурухларини ташкил этади. Бу ерда кичик гурухлар қатламларни бир-бири билан боғлаш, уларни зичликларини бир-бирига нисбати, ўрилиш турларига бўлинади.

Тукли түқималар ўрилиш кичик синфи танда тукли ва арқоқ тукли түқималар ўрилиши гурухига бўлинади. ўз навбатида бу гурух ўрилишлар масалан танда туклилар-қирқма тукли ёки ҳалқасимон тукли кичик гурухларга бўлинади. Арқоқ тукли түқималар ўрилиши гурухи сидирға тукли ёки йўл-йўл тукли кичик гурухларга бўлинади.

Пике түқимасининг кичик синфи оддий пике ва мураккаб пике гурухи бўлади.

Ажур ўрамали түқималар кичик синфи сидирға ўрамали ва нақш ўрамали гурухларга бўлинади. Бу ўрилишларни ҳар бирини қўллашда

қатнашаётган танда иларини зичлик нисбатлари, уларни оддий ва махсус шодалардан ўтказиш тартибларига қараб, бир неча турларга бўлинади.

Йирик нақшли тўқималар ўрилиши синфи иккита кичик синф оддий йирик нақшли ва мураккаб йирик нақшли тўқималар ўрилишига бўлинади. Оддий йирик нақшли тўқималар ўрилишига уларни ишлаб чиқариш учун керак бўлган жаккард машинасини қуввати, қўлланилган аркат иларини тақсимловчи тахтадан ўтказиш тартибига ва бошқаларга қараб бир неча гурух, кичик гурух ва турларга бўлинади.

Газламани сиртқи безакларни хилма-хил олишда мураккаб йирик нақшли тўқималар ўрилишларининг имкониятлари жуда ҳам катта.

Бу ўрилишларни бир неча гурухдан мавжуд. бир ярим қатламли йирик нақшли тўқималар, икки қатламли йирик нақшли тўқималар ва бошқа ўрилиши тўқималар шу кичик синфи гурухларини ташкил этиб, гурухлар эса кичик гурухлар ва турларини ташкил этади.


Бу ўрилишларни гурух ва кичик гурухлар ва турларини батафсил бевосита ҳар бир синф ўрилишларини ўрганиш жараёнида чуқур таҳлил этилади.

Янги таркибли кўйлакбоп тўқима танда бўйича  $T_T=29$  текс пахта иларидан, арқоқ бўйича  $T_A=13$  текс (100%) лавсан иларидан тўқилади. Танда бўйича зичлиги  $P_T=220$  ип/дм, арқоқ бўйича зичлиги  $P_A=180$  ип/дм. Тўқиманинг сирт зичлиги  $\rho_m^2=100$  гр/м<sup>2</sup>. Тўқима полотно ўрилиши билан ўрилади.

Тўқувчиликда технологик жараёнлар лойиҳасини тайёрлашдаги бош вазифа жиҳозлар ва уларнинг технологик қўрсаткичларни тўғри танлашдир. Бунда қабул қилинадиган жиҳозлар юқори унумдорликка эга бўлиши олий сифатли маҳсулот чиқариши, йирик ўрамалардан фойдаланиши ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминланиши талаб этилади.

Жиҳозларни танлаётганда қабул қилинган тўқиманинг хусусиятлари, тузилиши, танланган технологик жараён, ўрамлар тури ва корхона қуввати

эътиборга олиниши керак. Жиҳознинг техникавий ва технологик тавсифи, унинг хусусиятлари, техник – иқтисодий кўрсаткичлардаги афзалликлари назарда тутилади. 2.1-расмда кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш технологик занжири келтирилган.



2.1-расм. Кўйлакбоп тўқимани ишлаб чиқариш технологик занжири.

Тўқув ишлаб чиқариш корхонаси омборига йигириш фабрикасидан келтирилган хом - ашё бобиналарда келтирилиб, қабул қилингандан сўнг уларни сифатини, чизиқли зичлигини ва физик механик хусусиятларини

аниқланади. Шунингдек, навларга ажратилиб, танда иплари тандалаш машинаси ромига тахтланади. Бу ерда танда иплари бобиналардан маълум узунликда, маълум сондаги иплар сони тандаланиб танда ғалтагига ўралади. Тандаланган иплар танда ғалтагида охорлаш жараёнига юборилади. Бир гурух танда ғалтаклари, охорлаш жараёнида охорланиб, ипларни мустахкамлиги оширилиб, қуритилиб тўқув ғалтагига ўралади, навларга ажратилиб, тўқима миқдори ўлчанади. Охорлаш жараёни охорлаш машинасида амалга оширилади. Тайёр тўқув ғалтаклари ипларни ўтқазиш ва боғлаш бўлимига юборилади. Танда иплприни дастгоҳ анжомлари ламел, гула кўзчаларидан ва тифтишларидан ўтқазиш дастгоҳида, ипларни учини боғлаш эса УП машинасида бажарилади. Тўқима тўқиши учун тўқув дастгоҳи танланган. Тўқув бўлимида тўқилган тўқима матолар хом тўқима омборига жўнатилади. Бунда тўқима нуқсонлардан тозаланади. Саралаш бўлимида тўқима нави аниқланади, бўлак рақами, узунлиги, нави ва назоратчи рақами ёзилади, сўнгра тахтланиб, жойлаштирилиб, технология бўйича мўлжалланган жойга жўнатилади.

Саралаш бўлимида агрегат-поток чизиқли саралаш ускуналарида кетма-кет узлуксиз думалатиб тахтловчи, сараловчи, тозаловчи, ўлчовчи-тахтловчи, машиналари қўлланилади.

### **Тандалаш омиллари**

№	Тандалаш омиллари	Бирлик	Кўрсаткичлар
1.	Ип йўғонлиги	Текс	29
2.	Тандалаш тезлиги	м/мин	600
3.	Ип таранглиги	сН	20
4.	Узулишлар сони	об/ $10^6$ м	2,0
5.	ўрама зичлиги	г/см <sup>3</sup>	0,52

Ипнинг таранглигини хисоблаш

1. Ипнинг умумий узилиш кучи

$$R = P_h * T_t = 29 * 13,5 = 392$$

2. Ипнинг таранглиги унинг узилиш кучининг (3-8) % миқдорида олинади

$$T=R*a=392*5/100=20\text{cH}.$$

### Оҳорлаш омиллари

№	Омиллари	Бирлиги	Қийматлари
1.	Оҳор тартиби		КМЦ
2.	Оҳор концентрацияси	%	6,3
3.	Хақиқий оҳор	%	6
4.	Оҳорлаш тезлиги	м/мин	80
5.	Танда намлиги	%	8
6.	Танда чўзилувчанлиги	%	0,7
7.	Навойдаги ўраш зичлиги	г/см <sup>3</sup>	0,52
8.	1т юмшоқ ипни оҳор истеъмол қилиш миқдори	Кг	951,27
9.	1 т ип учун сарфланадиган охорловчи моддаларни ишлатилиш нормаси	Кг	70,11

### Оҳор концентрацияси

$K = \frac{\Pi_{ox}}{C_o} * 100$ П-хақиқий оҳор $C_o = (95-100)$	г/см	$= \frac{6}{95} * 100 = 6,3$
---	------	------------------------------

### Охорловчи моддалр миқори

$G = \frac{K * V}{100 - W}$ $W = 10-20$ $V$ -оҳор хажми	Кг	$= \frac{6,3 * 1000}{100 - 10} = 70,11$
--	----	---

### Оҳорлашдаги ипларнинг тезлиги

$V_{ox} = \frac{Q \cdot 10^6}{h \cdot T_{oa} \cdot 60}$ $V = 80$ қабул қиласиз	м/мин	$= \frac{490 \cdot 10^6}{5430 \cdot 29 \cdot 1,0 \cdot 60} = 97,7$ $= 80$
---	-------	--

### Юмшоқ иплар учун сарфланадиган оҳор миқдори

$C_{ox} = \frac{1000 \cdot T_u}{K}$	Кг	$= \frac{1000 \cdot 6}{6,3} = 951,27$
-------------------------------------	----	---------------------------------------

### Ип ўтказиш ва боғлаш омиллари

№	Омиллари	Ўлчов бирлиги	ПСМ	УП
1.	Танда ип чизиқли зичлиги	текс	29	29
2.	Боғлаш тезлиги	-	1400 ип/соат	500 туг/мин
3.	Тиф номери	дона	94	94
4.	Игнанинг номери			21
5.	Шодалар сони	дона	4	4
6.	ўтказиш тури		катор	
7.	Тиф тишидан ўтказиладиган иплар сони	дона	2	

$$N = AB = \frac{2}{3} d_o \cdot 100 = \frac{2}{3} \cdot 0.21 \cdot 100 = 21$$

### Тўқувчилик омиллари

№	Омиллари	Ўлчов бирлик	Кўрсатгич
1.	Тўқув тўқув дастгоҳи маркаси		СТБ-180
2.	Тиф бўйича эни	мм	1800
3.	Бош вални айланишлар сони	айл/мин	300
4.	Ипларни чизиқли зичлиги:  Арқоқ (100% лавсан)  Танда (100% пахта)	текс текс	13 29
5.	Тўқимани арқоқ бўйича зичлиги	Ип/см	22
6.	Тўқимани танда бўйича зичлиги	Ип/см	18
7.	Боғланиш коэффициент		3,6
8.	Тўқимани тўлдириш коэффициент		0,7

9.	Танда ипларнинг узилиш сони 1м тўқимага	уз/м	0,3
10.	Арқоқ ипларнинг узилиши	уз/м	0,08
11.	Ип таранглиги арқоқ	сН	10
12.	Ип таранглиги танда	сН	20
13.	Арқоқ янгиланиш йўли ўлчам	мм	1,0
14.	Заступ ўлчами	мм	50
15.	Тиф бўйича хомузга хосил бўлиши	мм	25
16.	Ердан скалогача бўлган масофа	мм	890

## **2.2. Тўқув дастгохларида танда иплар таранглигини тажриба оркали аниқлаш восита ва усуллари**

Тўқув дастгохларда танда иплар таранглигини ўрганиш ва тажриба оркали аниқлаш нафақат таранглик хажмини топишни, балки тўқиши жараенида турли параметрларининг ўзгариши каби, унинг тебраниш характеристини топишга имкон беради.

Тарангликни тажриба оркали ўрганиш, дастгох кенглиги ва чуқурлигига танда иплар таранглигининг ўзгаришини аниқлашга, матоларда турли хил касалликларнинг пайдо бўлиш сабабларини топишга, дастгох механизмларини созлашни тўғрилигини ва унинг ишларидағи келишув, ишлаб чиқарилаётган матонинг сифатини яхшилаш ва дастгох унумдорлигини ошириш йулини топишга имкон беради. Бу нарса кимевий толалардан ипларни қайта ишлаб чиқаришда мухим ахамиятга эга булади. Иплар таранглигини улчаш усули, ўлчайдиган мосламаларга кучларни кўшиш усулларига олиб келади, иплар таранглигини ўлчаш мосламалари эса, куч ўлчагич турларидан бири булган - динамометрдир. Иплар таранглигини ўлчашнинг мавжуд бўлган усулларини 4 асосий турларга ажратиш мумкин.

1. Ип ёрдамида қайрилган ип ўтказгичга кўшилган, тарангликнинг бир хил харакати хажми бўйича иплар таранглигини баҳолаш усули. (1а расм).
2. Ўрамнингчуваланишига таъсир қилувчи, кучлар хажми бўйича

иплар таранглигини баҳолаш усули (расм.1б).

3. Куч ўлчовчи мосламанинг сезгири элементига таранглик тўғридан тўғри қўшилган иплар таранглигини баҳолаш усули.

(расм. 1в),

4. Иплар таранглигини унинг ўзгариши бўйича баҳолаш усули.

Иплар таранглигини ўлчаш усулларининг имконият даражада қўлланилиши қуидагича.

Биринчи усул тарангликнинг қандайдир статистик тавсифноманинг тўғридан туғри санаб ажратишда ва иплар бўйлама холда тушувчи харакатга эга булган еки силжимайдиган майдонларда хар қандай тезлик билан иплар харакатида таранглик ўзгаришини рўйхатга олиш усули.


Иккинчи усул, ўрамга таъсир қилувчи, айлантирувчи дақиқанинг хажми бўйича ўрам юзасига тегиб турувчи йуналишида ипларнинг ўртача таранглигига баҳо бериш учун ишлатилади. Масалан, хамма танда ипларнинг таранглиги дастгоҳда, скалога таъсир қилувчи кучига караб, деворда мокидан чуватилувчи аркок ипнинг ўртача таранглигини аниқлаш учун.

Учинчи усул секин харакатланувчи иплар еки силжимайдиган тарангликни ўлчашда қўлланилади. Масалан, дастгоҳ чукурлиги буйлаб турли хил майдонларда танда ипларнинг таранглиги. Бу холатда кучларни ўлчовчи мослама танда иплар билан бирга харакатланади. Секин харакатланувчи танда иплар таранглигини ўлчашда учинчи усулни қўллаш биринчи усулнинг олдида афзалроқдир. Учинчи усул ўлчашнинг юкори даражадаги аниқлигини таъминлайди, чунки ипга, унинг таранглигини ўзгартирувчи ип ўтказувчи мослама киритилмайди.

Ўлчаш аниқлигининг юкори эмаслиги ва мураккаблиги сабабли тўртинчи усул унча тарқалмаган.

а – бир хил харакатланувчи, ип билан эгилган ўтказгичга қўшилган; б – ўрамга таъсир қилувчи кучи бўйича; в – куч ўлчагичга бевосита қўшилган кучи бўйича; 1-куч ўлчагич мосламаси; 2 – таранглиги ўлчанадиган ип; 3-

қабул қилувчи ип ўтказгич; 4 –чуваланувчи ўрам; Т - иплар таранглиги; Р – текис таъсир қилувчи куч.



1-расм. Иплар таранглигини ўлчаш усулларининг схемалари.

## 2.2. Тўкув дастгоҳларида танда иплар таранглигини тажриба оркали аниқлаш воситалари

Иплар таранглигини ўлчаш воситаларининг хаммасини, баъзи бир хусусиятлари бўйича синфларга ва гурухларга ажратиш мумкин. Ўлчашнинг юқорида санаб ўтилган усулларига мос келтирган холда, воситаларни синфларга бўлиш мумкин.

Иплар таранглигини ўлчашда универсал ва кенг тарқалган биринчи усули қўлланилган синф воситаси жудаям кенгdir.

Биринчи синф воситалари гурухларга қўйидагича бўлиниши мумкин.

I. Тайинлаш бўйича.

1. Якка иплар таранглигини ўлчаш учун;
2. Иплар гурухларининг таранглигини ўлчаш учун;
3. Иплар таранглигини солиштириш учун.

II. Курсатгичларни олиш йўли бўйича.

1. Аниқлаш учун бевосита ажратиб санаш:
  - a) ўртача ахамиятини;
  - б)юксак ахамиятини;
  - в) кичик ахамиятини;
  - г) иплар таранглигининг ўртача ахамиятини рад этилиши.

2. Рўйхатга олинувчилик.

III. Харакат принциплари бўйича.

1. Механикавий.

2. Механик - оптикали.

3. Электрли қайта ўзгартиргич:

а) фаол қаршилик;

б) идишли индуктив;

г) пьезоэлектрикли;

д) электромеханикали.

4. Пневматик (хаво ердамида ишловчи) ва гидравлик.

IV. Ип ўтказгичларнинг сони бўйича.

1. Битта ип ўтказгич билан.

Иккита ип ўтказгич билан.

Учта ип ўтказгич билан.

V. Ип ўтказгичларнинг тури бўйича.

1. Айланувчи ип ўтказгичлар билан.


2. Айланмайдиган ип ўтказгичлар билан.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи синфлар воситалари нисбатан камдир ва кўрсатгичларни олиш йўли бўйича, биринчи синфда санаб утилган ўзига мос гурухларга тааллукли бўлиши мумкин. Тўкув дастгохларда, танда иплар таранглигини ўлчаш амалиетида, биринчи синф воситаларининг электрик, механик ва оптик принципли харакатлари кенг таркалган.

Кўйида мосламанинг қисқача тасвири ва танда иплар таранглигини ўлчашда кенг тарқалган, турли хил принципли асбобларнинг ишлатилиши келтирилган.

Якка иплар таранглигини ўлчаш учун НН-2 (Расм.2) маркали воситаси. Асбобда иплар таранглиги граммда муайянлаштирилади ва 0 дан 400г гача бўлган ўлчаш чегарасида шкалада стрелка билан кўрсатилади.

2 расмдан кўриниб турибдики, асбоб қўл безаги ва сирғаниш таянчидаги 2та: йўналтирувчи ва қабул кқилувчи, айлантирувчи ип ўтказгичларга эга.




2-расм. Якка иплар таранглигини улайдиган НН-2 асбоби.

Қабул қилувчи ип утказгич, тишли секторни олиб юрувчи харакатли ўқقا қотирилган. Тишли гилдирак ўқига, градусли шкала бўйлаб тарангликка қаратилган 3 стрелка ўрнатилган. Харакатли ўқ ва стрелка пружина таъсирида бўлади. Тарангликни ўлчаш учун асбоб шундай созланиши керакки, бунда иплар шохи йифилиб, аввал 2 харакатли кабул килувчи роликни, кейин 1 қотирилган йўналтирувчи роликни қайириши керак бўлади.

Тарангликни ўлчашда, асбобга созланган ипнинг шохи бир бирига параллель ва унда, йўналтирувчи ип утказгич ўрнатилган, кронштейнга перпендикуляр турганлигини кузатиб туриш керак.

Швецариянинг Устер фирмаси якка иплар таранглигини улчайдиган асбоб (восита) чикаради. Асбоб 2та туркумда чикарилмоқда, улардан бири тарангликнинг ўртacha хажмини, бошкаси тарангликнинг юқори хажмини ўлчаш учун белгилаб қўйилган.

3-расмда асбоб туркумлаштиришнинг принципиал схемалари берилган. Тарангликнинг уртacha хажмини улчайдиган мослама, 3 назорат килинаетган ип ердамида эгилган, 1 кабул килувчи ип утказгич ва 2 йўналтирувчи ип утказгичга эга.



а – тарангликнинг ўртача хажмини ўлчайдиган асбоб схемаси; б – тарангликнинг юкори бўлган хажмини ўлчайдиган асбоб схемаси.

3-расм. Устер фирмаси асбобини туркумлаштириш схемалари.

Кабул қилувчи ип ўтказгич, 5 спиралли пружина таъсирида турувчи 4 ўқка жойлаштирилган. 4 ўқ, 6 винтли мих оркали, 9 пневматик демпфернинг поршенини олиб юрувчи ва унга 8 спираль пружина юклатилган 7 кўрсатгичли стрелка билан уланган. 6 ва 8 пружиналарнинг қаттиқлиги жудаям кам; 8 пружинанинг вазифаси-стрелканинг ноль холатини тўғрилаш. Стрелка катта бўлмаган демпфер билан демпферлаштирилади. Ипнинг таранглиги 10 шкалага стрелка оркали каратилади.

Агар иплар таранглигининг тебраниш қуий частотаси (3) герцдан ошиб кетса ва 0,5 герц дан паст бўлган частота билан тебранишни аниқ хосил килса, асбоб таранглик ўртача хажмининг стационар кўрсатгичларини беради. 0,5 дан 3 герц чегарасигача булган частотада тебраниш қисман хосил қилинади.

Иплар таранглигининг юкори хажмини ўлчайдиган асбоб, юкорида тасвиrlанганлардан шуниси билан фарқ қиласиди, пружина ўрнига 4 ўқ билан 7 стрелка ўртасида бир томонли ёрдамчи мослама ишлатилган, шу туфайли стрелка, юкори хажмига яқин бўлган, иплар таранглиги хажмини

кўрсатади. Агар ёрдамчи мосламанинг 6 таянчи (3б расмга қар.) тескари давомийликда жойлаштирилса ва 8 пружинадан 7 стрелкага қўшилган қисқа вақтнинг харакат йўналиши ўзгартирилса, асбобнинг харакат принципини, иплар таранглигининг кичик хажмига яқин булган кўрсатгичини олишда кўллаш мумкин.

Англиянинг Ньюмарк фирмаси иплар таранглигини солиштиришда ишлатиладиган механик асбоб чиқармоқда. Лойиха бўйича асбоб етарлича содда ва икки елкали тарози принципига асосланган.

Асбоб курсатгич стрелка ва ўртасида ноли булган шкаладан иборат. Стрелка айланиши ўқига 2та қабул қилувчи ип ўтказгич қотирилган диск стрелка билан монтаж қилинган. уланган.

Асбобнинг танасида (юқори қисмида) иккита йўналтирувчи ип утказгичлар ўрнатилган. Таранглиги солиштирилувчи иплар, уларнинг мос келган системаларига созланади.

Солиштирилувчи иплар таранглиги teng бўлганида, стрелка шкаладанинг (жадвал) нолли бўлинишида туради.

Стрелканинг нолдан аралашиб йўналиши ва хажми, солиштирилувчи тарангликнинг бир бирига боғликлигини характерлаб беради. Асбобни, хомузанинг куйи ва юқори шохларида бир хил тарангликни аниқлаш учун кўллаш мумкин. Харакат механик принципларига асосланган асбобларни кўллаш амалиети шуни кўрсатадики, асбобларнинг ушбу гурухи етарли даражада кичик сезирликни, харакатланувчи қисмининг ахамиятга эга бўлган сустликни ўзида мужассамлаштиради ва иплар таранглигининг ўзгаришини, тебранишнинг қисқа вақт оралиғида рўйхатга олишни таъминлаб бера олмайдилар.

Механик принципли харакат асбобларини, иплар таранглигини, тебранишнинг катта вақт оралиғида, хақиқатга яқинроқ тарзда ўлчаш учун кўллаш мумкин. Механик-оптик принципли харакат асбоблари, иплар таранглигини ўлчашда ишлатиладиган асбоблар, тўкув дастгохларида танда иплар таранглигини ўлчашдаги текширув ишларида кенг тарқалган.



4-расм. Тўқув дастгоҳларида асосий якка ипларнинг таранглигини ўлчаш асбоблари.

Механик-оптик асбоблар тўқув жараёнида танда иплар таранглиги тебранишини қониқарли даражада тутиб олади ва иплар хажмининг алмашинишини визуал холатда кузатишга имкон бергани каби фотоплёнка ва фотоқоғозда таранглик тебранишини рўйхатга олишга хам имкон беради. Биз томонимиздан, механик принципли харакатнинг якка иплар таранглигини Устер фирмасининг асбоблари базасида ўлчаш воситалари ишлаб чиқилган, унинг ажралиб турувчи хусусияти, 3 иплар таранглигининг юқори ва қўйи хажмини ўлчаш учун 2 иккита асбоб ўрнатилган 1 платформанинг миқдоридадир, бунга қўшимча қилиш мумкинки, куч ўлчагичли ип ўтказгичлар бир елкали 4 ўқ кўринишида ишланган. Янги воситанинг афзаллиги – саноқли тавсияларни олиш учун якка иплар таранглигини аниқ ўлчашда хамда, хизмат кўрсатишнинг қулай ва соддалигидадир.

## **2.3. Фаол тажриба-синов пайтида регрессион бир омилли математик моделни аниқлаш услубияти**

Тұқув дастгоҳида тұқымани ишлаб чиқариш шароитида биринчи үринде баҳолаб берадиган асосий омил қисқариш. Қисқариш күрсаткичи хом ашё сарфини белгилаб беради. Қисқаришга хом ашё тури, ипнинг чизиқли зичлиги, ипнинг күндаланғ кесим шакли, ўрилиши, тұқыманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги, тузилишнинг фаза тартиби, тұқув дастгоҳи омиллари, иплари тахтлаш таранглиги таъсир қиласи.

Тұқувчилик жараёнигача бўлган ипнинг узунлиги билан тұқимадаги ипнинг узунлиги айирмаси қисқариш деб номланади.

$$\text{Танда бўйича} \quad a_T = \frac{L_T - L_{T_{\bar{y}_k}}}{L_{T_{\bar{y}_k}}} \cdot 100\%$$

$$\text{Арқоқ бўйича} \quad a_a = \frac{L_a - B_{T_{\bar{y}_k}}}{B_{T_{\bar{y}_k}}} \cdot 100\%$$

бунда:  $L_T$ ;  $L_a$ - тұқувчиликгача бўлган танда ва арқоқ иплар узунлиги;

$L_{T_{\bar{y}_k}}$ ;  $B_{T_{\bar{y}_k}}$ - тұқыманинг эъни ва узунлиги.

Танда иплари тахтлаш таранглигини тұқимада иплар қисқаришига таъсири регрессион бир омилли математик модель асосида тажрибавий тадқики келтирилган [49].

Бир кириш ва бир чиқишли объект учун регрессион модельни аниқлашда  $X$  омили ўзгаришининг кенг диапазонида фаол тажриба ўтказилади. Омил даражалари сони ёки режалаштириш матрицасидаги тажриба-синовлар сони таҳминан  $N = 5$  га teng.  $Y$  чиқиш параметри аниқлигини ошириш учун, матрицанинг ҳар бир тажрибаси бир неча марта такрорланади ( $m = 5$ ). Тұқув дастгоҳида  $X$  танда иларини тахтлаш таранглигига қараб методаги иплар қисқариш таъсирини -  $Y$  ўрганилган (3.2 жадвалига қаранг). 3.2 жадвалида  $N = 5$  ва  $m = 5$  бўлганида, матрицанинг ҳар  $u$  – тажрибаси  $v$  – такрорий тажрибасида  $Y_{UV}$  (методаги ўртача

тарангликда тортилган танда иплар сонининг абсолют қиймати) чиқиши параметрининг қийматлари келтирилган.

### 3.7 жадвал

	v	Y <sub>UV</sub>								
X <sub>u</sub>	u	1	2	3	4	5	Σ Y <sub>ui</sub>	Y <sub>u</sub>	S <sub>u</sub> <sup>2</sup> {Y}	W <sub>R</sub>
5	1	6,2	5,8	6,1	6,2	6,2	30,5	6,1	0,06	2,1
10	2	6,4	6,8	6,8	6,8	6,7	33,5	6,7	0,06	
15	3	7,4	7,8	7,8	7,4	7,6	38,0	7,6	0,07	
20	4	8,4	8,4	8,0	8,1	8,1	41,0	8,2	0,09	
25	5	8,7	8,5	8,8	8,8	8,7	43,5	8,7	0,09	

Тажрибанинг кескин ажралиб турган маълумотларини текшириш жараёни Смирной-Грабс мезонининг ҳисоблаб чиқиладиган қийматини қўйидаги формула бўйича аниқлашни кўзда тутади:

$$V_{R \max} = (Y_{U V \max} - Y_U)[m/(m-1)]^{0,5} / S_U \{Y\} ; \quad (1)$$

Бунда кескин ажралиб турган максимал қиймат таҳмин қилинганда

$$V_{R \min} = (Y_U - Y_{U V \min})[m/(m-1)]^{0,5} / S_U \{Y\} ; \quad (2)$$

Y<sub>U</sub> – омилнинг u- даражасидаги чиқиши параметрининг ўртача қиймати бўлган Y<sub>UVmin</sub> минимал қиймат таҳмин қилинганда

$$Y_U = 1/m \sum Y_{UV} \quad \text{га teng bўлади} \quad (3)$$

Ўртача квадратик оғиш

$$S^2_U \{Y\} = (S^2_{U \{Y\}})^{0,5} \quad S^2_{U \{Y\}} = [\sum(Y_{UV} - Y_U)^2] / (m-1) \quad (4)$$

Смирнов-Грабс мезонининг ҳисоблаб чиқариладиган қиймати V<sub>T</sub>, жадвал қиймати билан таққосланади, қайсики ишончли эҳтимоллик P<sub>D</sub> = 0,95 ва такрорий тажрибалар сони m, яъни V<sub>T</sub> [ P<sub>D</sub> = 0,95, m = 5 ] бўлиши шароитида аниқланади. Агар V<sub>R max</sub> > V<sub>T</sub> ёки V<sub>R min</sub> > V<sub>T</sub>, бўлса, унда Y<sub>UVmax</sub> ва Y<sub>UVmin</sub> кескин ажралиб турувчи қийматлар маълумотларга кейинги статистик ишлов бериш жараёнидан чиқариб ташланади.

Ушбу операцияни матрицанинг биринчи тажрибасига оид маълумотлар мисолида кўриб чиқамиз.

$$V_{R\max} = \frac{95 - 89}{5,83} \sqrt{\frac{5}{5-1}} = 1,14; V_{R\min} = \frac{82 - 89}{5,83} \sqrt{\frac{5}{5-1}} = 1,33$$

$X = 5$  ва  $Y_{UV\max} = 6,2$  и  $Y_{UV\min} = 5,8$  қийматлари таҳмин қилинганда  $u = 1$  бўлади.  $Y_U$  и  $S^2_U \{Y\}$  нинг (3) ва (4) формулалари бўйича ҳисоблаб чиқилган қийматлари 2- жадвалда келтирилган. (3) ва (4) формулаларидан фойдаланган ҳолда 1 (илова) жадвали бўйича топамизки,  $V_T [P_D = 0,95; m = 5] = 1,869$  бўлади.  $V_{R\max} < V_T; V_{R\min} < V_T$  бўлгани боис, кўриб чиқилган  $Y_{UV\max} = 6,2$  ва  $Y_{UV\min} = 5,8$  қийматлари кескин ажралиб турувчи қиймат эмас ва шу боисдан кейинги ишлаш жараёнида қолдирилади.

Матрицанинг ҳар  $u$  – тажрибаси учун (масалан  $X = 5$  бўлганида  $u = 1$  учун)  $Y_{UV}$  – тасодифий катталикларининг нормал тақсимоти тўғрисидаги фаразни текшириш қуидагиларни ўз ичига олади:

а) (3) формуласи бўйича ўртача кўрсаткични аниқлаш

$$Y_U = Y_1 = 30,5 / 5 = 6,1$$

б) матрицанинг 1- тажрибаси учун чиқиш параметри дисперсиясини аниқлаш

$$S^2_1 \{Y\} = (1 / 5 - 1) \cdot [(6,2 - 6,1)^2 + (5,8 - 6,1)^2 + (6,1 - 6,1)^2 + (6,2 - 6,1)^2 + (6,2 - 6,1)^2] = 0,04$$

в) қуидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқариладиган қийматни аниқлаш

$$W_R = Q^2 / S_u^2 \{Y\}, \quad (5)$$

бунда  $Q = q_m(Y_m - Y_1) + \dots + q_{m-k+1}(Y_{m-k+1} - Y_k)$

(6м жуфт сон бўлганида  $K = m/2$ ;

м тоқ сон бўлганида  $K = 1/2(m-1)$ ;

$6,2 > 5,8 > 6,2 > 6,1$  бўлганида  $Y_m \geq Y_{m-1} \geq \dots \geq Y_1$

$i = 1 \dots$  ва  $K = 3-50$  учун  $q_{m-i+1}$  қийматлари 2[1] жадвалида келтирилган кўриб чиқилаётган мисолда

$$Q = 0,6646(6,2 - 5,8) + 0,2413(6,2 - 6,1) = 0,29$$

ва шу боисдан  $W_R = 0,29^2 / 0,04 = 2,1$ ;

г)  $W_R$  нинг ҳисоблаб чиқариладиган қиймати жадвалдаги  $W_T$  ( 3- жадвал илова) билан таққосланади[1], қайсики берилган ишончли эҳтимоллик учун тақрорий тажрибалар (ўлчамлар)нинг  $m$  маълум сони орқали аниқланади. Кўриб чиқилаётган мисол учун  $W_T (P_D = 0.95; m = 5) = 0,762$ .  $W_{R1}$  мезонининг ҳисоблаб чиқариладиган қиймати танланган ишончли эҳтимоллик учун  $W_T$  нинг жадвалдаги қийматидан ортиқ бўлгани боис,  $Y_{1v}$  тасодифий катталикларининг нормал тақсимоти тўғрисидаги фараз бекор қилинмайди. 3.2 жадвалида  $W_R$  нинг матрицанинг бошқа жадваллари учун қийматлари ҳам келтирилган, улар ҳам жадвал қийматларидан ошмайди ва шу сабабли регрессион таҳлилни қўллаш имконияти тўғрисидаги биринчи шарт қондирилади.

Тақрорий тажрибалар сони ( $m = 5$ ) матрицанинг барча тажрибалари учун бир хил бўлгани боис, дисперсияларнинг бир текислигини текшириш учун Кочрен мезони қўлланилади, унинг ҳисоблаб чиқариладиган қиймати

$$G_R = S_{U \max}^2 \{Y\} / \sum S_U^2 \{Y\} = 0,09 / 0,38 = 0,24 \quad (7)$$

$G_R$  нинг ҳисоблаб чиқариладиган қиймати жадвалдаги  $G_T$ , билан таққосланади, қайсики берилган ишончли эҳтимоллик учун 4 (1-илова) жадвал бўйича аниқланади [49], бунда матрицадаги тажрибалар сони -  $N$ , дисперсиялар эркинлик даражаси сони  $f\{S_u^2\} = m - 1$  дан келиб чиқиласди. Кўриб чиқилаётган мисолда:  $G_T [ P_D = 0,95; N = 5; f = 5 - 1 = 4 ] = 0,544$ .  $G_R < G_T$  бўлгани боис, дисперсиянинг бир текислиги, яъни тажрибаларнинг аниқлик ва тенглиги ҳамда тақрорланиши мумкинлиги ҳақидаги фараз рад этилмайди. Матрица тажрибаларида чиқиш параметри ўртача дисперсиясини аниқлаш.

Агар матрица тажрибаларида дисперсиялар бир текис ҳамда тақрорий тажрибалар сони бўлса, унда ўртача дисперсия қўйидаги формула бўйича аниқланади

$$S_{(1)}^2 \{Y\} = (1 / N) \sum S_U^2 \{Y\} = [ \sum \sum (Y_{UV} - Y_U)^2 ] / (m - 1) N \quad (8)$$

Бу дисперсиянинг эркинлик даражалари сони тенг

$$f \{ S^2_{(1)} \} = N (m - 1)$$

Бу дисперсия чиқиши параметри омилларнинг ҳар бир даражасидаги ўртача қийматларига нисбатан қийматларнинг ўртача тарқоқлилик даражасини кўрсатади, яъни экспериментдаги тажрибалар хатосини акс эттиради. Кўриб чиқилаётган мисолда ушбу дисперсия, ёки бошқача айтганда, такрорийлик дисперсияси қўйидагига тенг

$$S^2_1 \{ Y \} = 0,38 / 5 = 0,076$$

Биринчиси каби бўлинмаган айрмалар омилларнинг турланиши доимий бўлган ҳолатда қўлланилади, яъни

$$J_X = X_2 - X_1 = \dots = X_{U+1} - X_U = \dots = X_N - X_{N-1} = \text{const.}$$

Бизнинг ҳолатда,  $J_X$  омилларининг турланиш интервали доимий ва қўйидагига тенг

$$10 - 5 = 15 - 10 = 20 - 15 = 25 - 20 = 5.$$

Шу боис биринчи тартибдаги бўлинмаган айрмаларни қўйидаги формула бўйича топамиз

$$\Delta_{H1}^{(1)} = \bar{Y}_2 - \bar{Y}_1 \cdots \Delta_H^{(1)} = \bar{Y}_{U+1} - \bar{Y}_U \cdots \Delta_{H(N-1)}^{(1)} = \bar{Y}_N - \bar{Y}_{N-1}$$

$$\Delta_{H1}^{(1)} = 6,7 - 6,1 = 0,6; \quad \Delta_{H2}^{(1)} = 7,6 - 6,7 = 0,9;$$

$$\Delta_{H3}^{(1)} = 8,2 - 7,6 = 0,6; \quad \Delta_{H4}^{(1)} = 8,7 - 8,2 = 0,5.$$

Чиқиши параметри биринчи тартиб айрмаларининг ўзаро фарқи камлиги боис (қайсики, тажриба-синовнинг ўртача квадратик хатолигининг икки карра миқдоридан ошмайди ( $2 S_{(1)} \{ Y \} = 2 * 0,62 = 1,23$ ), улар айнан ўхшаш деб ҳисоблаш мумкин ва шу боисдан экспериментал маълумотларни таърифлаш учун шартли равишда тўғри чизиқли тенгламани қабул қилиш мумкин.

Агар чиқиши параметри дисперсияси омилнинг ҳар бир даражаси учун бир хил бўлса, унда регрессия коэффициентини аниқлаш учун энг кичик квадратлар услубини қўллаш мумкин.

Шартли равища  $\sum(Y_U - Y_{RU})^2 = \min$  формуласидан фойдаланиб, қуидаги нормал тенгламалар ўрнатилади:

$$d_0 N + d_1 \sum (X_U - X) = \sum Y_U$$

$$d_0 \sum (X_U - X) + d_1 \sum (X_U - X)^2 = \sum (X_U - X) Y_U$$

$\sum (X_U - X) = 0$  бўлгани учун, ушбу тенгламаларни ечиб, қуидаги натижага эга бўламиз:

$$d_0 = Y = 1 / N \sum Y_U;$$

$$d_1 = \sum (X_U - X) Y_U / (\sum (X_U - X)^2)$$

кўриб чиқилаётган мисол учун регрессия коэффициентларини аниқлаймиз. Керакли микдорлар ҳисоб-китобини 3.3 жалвалига жамлаймиз.  $X = 75 / 5 = 15$ ни топамиз.

$$d_0 = Y = 37,3 / 5 = 7,46; d_1 = 33,5 / 250 = 0,134$$

Шу боис изланаётган тенглама қуидаги кўриниш касб этади

$$Y_R = 7,46 + 0,134(X - 15)$$

Ёки

$$Y_R = 5,45 + 0,134X \quad (9)$$

### 3.3-жадвал

U	X <sub>U</sub>	X <sub>U</sub> -X	(X <sub>u</sub> -X) <sup>2</sup>	Y <sub>u</sub>	(X <sub>U</sub> -X)Y <sub>u</sub>
1	5	-10	100	6,1	-61
2	10	-5	25	6,7	-33,5
3	15	0	0	7,6	0
4	20	+5	25	8,2	41
5	25	+10	100	8,7	87
$\Sigma$	75	0	250	37,3	33,5

Олинган тенгламанинг тўғрилигини аниқлаш учун Фишер мезонидан фойдаланилади, унинг ҳисоблаб чиқиладиган қиймати қуидаги формула бўйича топилади

$$F_R = S^2_{(2)}\{Y\} / S^2_{(1)}\{Y\}, \quad (10)$$

бунда  $S^2_{(1)}\{Y\}$  - (10) формуласи бўйича аниқланадиган ўртача дисперсия ёки такрорий дисперсия бўлади;

$S^2_{(2)}\{Y\}$  - дисперсия,  $Y_u$  ўртача экспериментал қийматларнинг  $Y_{RU}$ , нинг ҳисоблаб чиқариладиган қийматларига нисбатан тарқалишини тавсифлайди, яъни (18) формула бўйича аниқланадиган тўғри чизиқка нисбатан тарқалишини кўрсатади.

Ушбу дисперсия аппроксимациянинг  $Y_u = f(X)$  тўғри чизигига боғлик равища аниқлигини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича топилади

$$S^2_{(2)}\{Y\} = m / (N-2) \sum (Y_U - Y_{RU})^2 \quad (11)$$

Ушбу дисперсиянинг эркинлик даражалари сони  $f\{S^2_{(2)}\} = N - 2$  га teng. (10) ва (25) даги дисперсиянинг қийматини (24) формуласига қўйиб, қуйидаги натижага эришамиз

$$F_R = (m \sum (Y_U - Y_{RU}) / (N - 2)) / ([\sum \sum (Y_{UV} - Y_U)^2] / (m - 1) N) \quad (12)$$

$F_R$  ҳисоблаб чиқариладиган қиймати Фишер мезонининг  $F_T$  жадвал қиймати билан солиширилади, қайсики 6 (илова [49]) жадвал бўйича  $P_D = 0,95$  ишончли эҳтимоллик ҳолатида ва дисперсия эркинлигининг даражалари сонига қараб топилади  $f\{S^2_{(2)}\} = N - 2$  и  $f\{S^2_{(1)}\} = (m - 1) N$ .

### 3.4- жадвал

U	X <sub>U</sub>	d <sub>1</sub> X <sub>U</sub>	Y <sub>RU</sub>	Y <sub>U</sub>	Y <sub>u</sub> -Y <sub>RU</sub>	(Y <sub>u</sub> -Y <sub>RU</sub> ) <sup>2</sup>
1	5	0,67	6,12	6,1	-0,02	0,0004
2	10	1,34	6,72	6,7	-0,02	0,0004
3	15	2,01	7,46	7,6	0,14	0,0196
4	20	2,68	8,13	8,2	0,07	0,0049
5	25	3,35	8,8	8,7	-0,1	0,01
$\Sigma$	75	-	-	37,3	-	0,0353

Агар  $F_R \leq F_T$  бўлса, унда тўғри чизиқли тенгламанинг тўғрилиги ҳақидаги фараз тажриба маълумотлари билан рад этилмайди. (12) формуладаги йифинди ҳисобини 3.4-жадвалда келтирамиз.

Ушбу жадвал маълумотларидан фойдаланиб, қуидагини топамиз

$$S^2_{(2)}\{Y\} = 5 / (5 - 2) \cdot 0,0353 = 0,059$$

Дисперсиянинг топилган қийматларини (10) формулага қўйиб, қуидаги натижани оламиз:

$$F_R = 0,059 / 0,04 = 1,47$$

Жадвалдаги қиймат билан таққослаймиз, қайсики қуидагига тенг  $F_T [P_D = 0,95; f\{S^2_{(1)}\} = 20; f\{S^2_{(2)}\} = 3] = 8,66$ . Кўриб чиқилаётган мисолда  $F_R = 1,47 < F_T = 8,66$ , шу боисдан тўғри чизиқли модельнинг тўғрилиги ҳақидаги фараз рад этилмайди.

Регрессия коэффициентларининг қийматини баҳолаш учун Стыодент мезони қўлланилади, унинг ҳисоблаб чиқариладиган қиймати қуидаги формула бўйича топилади

$$t_R \{d_i\} = |d_i| / S \{d_i\}, \quad (13)$$

бунда  $S\{d_i\}$ - регрессия коэффициентларининг ўртача квадратик оғиши ҳисобланади.

(13) формуладаги  $d_0$  и  $d_1$  регрессия коэффициентларини баҳолаш тегишли равишда қуидаги формулалар билан белгиланади:

$$S^2\{d_0\} = S^2\{Y\} / m N = S^2\{Y\}/N; \quad (14)$$

$$S^2\{d_1\} = S^2\{Y\} / m \sum(X_U - X)^2 = S^2\{Y\} / \sum(X_U - X)^2. \quad (15)$$

(14) ва (15) формулага  $S^2\{Y\}$  дисперсияси киради, қайсики тўғри чизиқли алоқа шароитида (9) кириш параметри  $Y_U$  тасодифий миқдори дисперсиясининг жамлама баҳоси ҳисобланади. Бу десперсия қуидаги формула бўйича аниқланади

$$S^2\{Y\} = ((m - 1)N S^2_{(1)}\{Y\} + (N - 2)S^2_{(2)}\{Y\}) / (mN - 2) \quad (16)$$

Ушбу дисперсиянинг эркинлик даражаси сони тенг

$$f\{S^2\} = mN - 2 \quad (17)$$

(16) формулага киравчи аввал топилган қийматларни қўйиб, қўриб чиқилаётган мисол учун,  $Y$  тасодифий катталик жамлама дисперсиясини топамиз

$$S^2\{Y\} = ((5 - 1) \cdot 5 \cdot 0,04 + (5 - 2) \cdot 0,0353) / (5 \cdot 5 - 2) = 0,04$$

(14) ва (15) формулаларидан фойдаланиб, регрессия коэффициентлари дисперсияларини топамиз:

$$S^2\{d_0\} = 0,04 / 5 \cdot 5 = 0,0016; \quad S^2\{d_1\} = 0,04 / 5 \cdot 250 = 0,000032;$$

$$S\{d_0\} = 0,04; \quad S\{d_1\} = 0,00566.$$

Стьюент мезонининг ҳисоблаб чиқиладиган қийматларини (13) формуласи бўйича топамиз

$$t_R\{d_0\} = 5,45 / 0,04 = 136,3; \quad t_R\{d_1\} = 0,134 / 0,00566 = 23,7.$$

7 - жадвалга (илова [1] қараб, Стьюент мезонининг жадвал қийматини аниқлаймиз, шу шарт биланки, ишончли эҳтимоллик  $P_D = 0,95$  га тенг ва (17) формулага кўра аниқланадиган эркинлик даражалари сони  $f\{S^2\} = 5 / 5 - 2 = 23$  га тенг. Демак:  $t_T[P_D = 0,95; f = 23] = 2,07$ .  $t_R\{d_0\} = 136,3 > t_T = 2,07$  ва  $t_R\{d_1\} = 23,7 > t_T = 2,07$  бўлгани боис, олинган коэффициентлар аҳамиятли, демакки  $Y$  ва  $X$  орасидаги алоқа ҳам аҳамиятли. Регрессия коэффициентларининг ишончли мутлақ хатолари қўйидаги формула бўйича аниқланади

$$E\{d_i\} = S\{d_i\} t_T[P_D; f\{S^2\}]. \quad (18)$$

Кўриб чиқилаётган мисолда бу хатолар  $E\{d_0\} = 0,04 \cdot 2,07 = 0,08$  га тенг.

$$E\{d_1\} = 0,00566 \cdot 2,07 = 0,012.$$

Чизиқли тенгламадаги  $\delta_0$ ,  $\delta_1$  регрессия коэффициентларининг асл қийматлари учун ишончли интерваллар (20) қуйидаги тенгсизлик билан белгиланади

$$d_i - E\{d_i\} \leq \delta_i \leq d_i + E\{d_i\}. \quad (19)$$

Кўриб чиқилган мисол учун  $R_d = 0,95$  регрессия коэффициентларининг ишончли интерваллари қуйидагича:

$$5,45 - 0,08 = 5,37 \leq \delta_0 \leq 5,45 + 0,08 = 5,53;$$

$$0,134 - 0,012 = 0,122 \leq \delta_1 \leq 0,134 + 0,012 = 0,146.$$

Омилнинг қиймати фиксацияланган ҳолатда чиқиш параметрининг асл ишончли ўртача қийматларини аниқлаш.

Кўриб чиқилаётган бир омилли эксперимент маълумотларига статистик жиҳатдан ишлов бериш жараёни тугайди.

### **III БОБ. ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ**

Дастгохнинг иш унумдорлигини ошириш ва тўқима сифатини яхшилаш учун ҳар бир тўқилаётган тўқима учун дастгохнинг тахтлаш параметрлари аниқланиши ва тўғри ўрнатилиши зарур.

Тўқимани дастгоҳда тахтлаш параметрларини танлашда танда ва арқоқ хоссалари, тўқиманинг тузилиши ва тўқув дастгохининг конструкцияси ҳисобга олинади. Танда ва арқоқ ипларини дастгоҳга тахтлашда, меъёрий параметрлар қўйилганда, ипларни узилиши кам бўлади, тўқима юқори сифатда чиқади. Шунинг учун ипларнинг узилиши, тахтлаш параметрларини меъёрийлаштиришда тўқима сифатига таъсир етувчи асосий мезон, деб ҳисобланади. Танда ва арқоқ иплари қанча кам узилса, параметрлар шунча меъёрлаштирилган ҳисобланади. Тўқув дастгоҳида тўқима тўқишида параметрларни меъёрлаштиришда бошқа мезонлар ҳам бор. Буларга танда ипларини тўқувчиликдаги енг максимал таранглиги, танда ва арқоқ ипларини ёки тўқимани тўқувчиликдан кейинги узилиш ва чўзишиш чегараси киради.

Дастгохнинг асосий тахтлаш параметрларига қўйидагилар киради:


- танда ва тўқимани дастгоҳда тахтланиш узунлиги, дастгоҳни еластик тахтлаш чизиги, тўқув дастгохининг конструктив тахтлаш чизиги;
- тўқув дастгохининг конструктив тахтлаш чизиги танда иплари ва тўқимани дастгоҳ қисмларига нисбатан қандай ҳолатда жойланишини кўрсатади;
- хомузга ўлчамлари;
- скалани вертикал йўналиши бўйича грудницага нисбатан жойланиши;
- ўрта хол микдори;
- танда ипларини тахтлаш таранглиги;
- арқоқ ипини тахтлаш таранглиги;
- тўқима қирғогининг зарбадан силжиш масофаси.

Параметрлар доимий ва ўзгарувчанларга бўлинади. Доимийси дастгоҳ конструкциясига боғлиқдир, ўзгарувчиси эса тўқима тузилиши ва хусусиятига боғлиқ ҳолда ўрнатиладиган параметрлардир.

### **3.1. Тўқув дастгоҳи омилларининг тўқима хусусиятларига таъсири**

Танда ва арқоқ ипларининг ўрилиши ва ўзаро жойлашуви тўқиманинг структурасини ташкил қиласди. Муайян хусусиятларга эга бўлган кўйлакбоп тўқимасини шакллантиришда иплар ўртасида ўзаро таъсир кучларини қилиш зарур. Тўқима иплари орасидаги ўзаро таъсир кучларининг ҳосил бўлиши тўқиманинг дастгоҳда тўқилиш жараёнида ҳосил бўлади ва ипларнинг тўқимада ўзаро жойлашишини белгилайди, шу билан бирга қуйидаги омилларга боғлиқ: ишлатиладиган хом ашё турига; танда ва арқоқ иплари диаметри ва уларнинг нисбатига; танда ва арқоқ ипларининг тўқимадаги зичлиги ва уларнинг нисбатига; ўрилиш турига; танда ва арқоқ иплари таранглиги ва уларнинг нисбатига; тўқима ишлаб чиқаришда тахтлаш параметрлари, танда ва арқоқ ипларининг таранглигига таъсирига.

Кўйлакбоп тўқима учун хом-ашё турини унга қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда танланади. Танда ва арқоқ ипладидаги хоссалар асосан, улардан ишлаб чиқарилган тўқиманинг хусусиятлари билан белгиланади. Хом-ашё турнинг ўзгариши ёки энг камида битта тизимни ўзgartiriш уни ишлаб чиқаришга, тўқима тузилиши ва хусусиятларига технологик параметрларига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, арқоқ ипидаги хом ашёнинг ўзгариши билан, танда ипининг таранглиги тўқима четига арқоқ ипини жипслаштриш вақтида, яъни тўқима элементи ҳосил бўлган вақтида ўзгаради. 3.1-расмда СТБ тўқув дастгоҳида арқоқ ипининг ҳар хил хом ашё туридан фойдаланган ҳолда тўқима зичлиги  $P_A=20$  Н/см бўлгандаги полотно ўрилишида ишлаб чиқарилган тўқиманинг, пахта толали танда ипларининг таранглиги осцилограммаси таҳлил этилган.



3.1-расм. Турли хил арқоқ илларидан фойдаланиб түқима ишлаб чиқаришда танда илларининг таранглиги осциллограммаси.

Қуйидаги осцилограммалардан (3.1-расм) шуни кўриш мумкинки, турли хил арқоқ илларидан фойдаланилганда танда иллари ўрта ҳолат моменти пайтида турли хил тарангликларга эга бўлади. Арқоқ илларини нейлон, ва нитрон илларидан фойдаланилганда ўрта ҳолат моментида энг юқори таранглик танда илларида ҳосил бўлади. Ҳомуза очилиш вақтида танда илларининг таранглиги ўрта ҳолат моментидаги ҳолатдан кўра катта, аммо унинг қиймати арқоқ ипининг барча хом ашёлари учун қиймати таҳминан бир хил бўлади. Түқима элементи шаклланиши, яъни түқима четига арқоқ ипини жисплаштриш вақтида танда иллари энг катта тарангликка эга бўлади, чунки бу вақтда танда ипининг таранглиги максимал бўлади. Бундан ташқари нейлон, полипропилен ва нитрон арқоқ иллари ишлатилганда, жисплаштриш вақтида танда илларининг таранглиги энг катта кўрсатгичга эга бўлади.

Арқоқ илларининг хоссавий тадқиқот натижалари ва иллар таранглиги осциллограммасининг таҳлили 3.1-жадвалда келтирилган

Арқоқ илларининг тадқиқот натижалари.

№	Арқоқ ипини хом-ашё тури	Арқоқ ипи краткичлари			Танда иларининг таранглиги, сН/ип		
		Тўқиманинг бикрлик модули, Н/мм	Узилиш кучи, Н	Узилишдаги узайиш %	Ўрта ҳолат міндори	Жипслаштириш жараёнида	Хомуза ҳосил бўлганда
1.	Лавсан T=29,4 текс	64	14	13,7	29	45	39
2.	Нитрон T=29,4 текс	56	10	7,6	33	54	39
3.	Капрон T=29,4 текс	45	18	13,6	36	52	39
4	Полипропилен T=29,4 текс	28	15	20,3	34	57	29
5.	Пахта толали ип T=25 текс	15	2,6	6,6	32	43	40
6.	Пахта толали ип T=29,4 текс	13	3,1	5,5	30	44	40



### 3.2-расм. Арқоқ илларининг тадқиқот натижалари.


Тўқима тузилишининг ўзгариши танда ва арқоқ илларининг ўзгариши ҳамда танда ва арқоқ илларининг узилиш кучи ва чўзилиши билан

тавсифланади. Тўқималарнинг тадқиқот натижалари 3.2-жадвалда келтирилган.

### 3.2-жадвал

#### Тўқималарнинг тадқиқот натижалари.

№	Арқоқ ипи	Узилиш кучи, кг.к		Тўқимани узилишдаги чўзилиши, кгк		Ипнинг қисқариши, %	
		Танда бўйича	Арқоқ бўйича	Танда бўйича	Арқоқ бўйича	Танда бўйича	Арқоқ бўйича
1.	Лавсан $T=29,4$ текс	28	120	23	30	4,9	1,5
2.	Нитрон $T=29,4$ текс	28	114	29	32	11,1	2,3
3.	Капрон $T=29,4$ текс	25	162	15	53	5,3	3,2
4.	Полипропилен $T=29,4$ текс.	25	144	26	53	9,7	4,5
5	Пахта толали $T=25$ текс	30	28	16	31	5,3	6,7
5	Пахта толали $T=29,4$ текс.	30	35	18	30	5,6	8,8



3.3-расм. Тўқималарнинг тадқиқот натижалари.


3.3-жадвалда Тўқув дастгоҳини иш циклдаги танда ипларининг таранглигини чизиқли зичлиги нисбатига таъсирини ўрганишда арқоқ ипларининг чизиқий

зичлиги ҳамда ипларни боғланиш коэффициентидан фойдаланиб танда ипларини таранглиги топилган.

### 3.3 -жадвал

Түқимачилик дастгохини айланиш циклдаги танда ипларининг таранглигига арқоқ ипи чизиқли зичлигининг таъсири

№	Арқоқ иiplарининг чизиқли зичликлари, текс	Ипларнинг боғланиш коэффициенти	Танда ипи таранглиги, сН/ип		
			ўрта ҳолат миқдори	Арқоқ жипслаштирилганда	Хомузга хосил бўлганда
1.	15,3	1,65	30	41	37
2.	18,5	1,35	30	42	37
3.	25,0	1,00	30	42	38
4.	29,4	0,35	31	44	39
5.	33,3	0,75	33	45	41
6.	41,6	0,60	34	48	43
7.	50,0	0,50	36	51	45




3.4- расм Түқимачилик дастгохини айланиш циклдаги танда ипларининг таранглигига арқоқ ипи чизиқли зичлигининг таъсири

3.3 – жадвал ва 3.4 расмдан кўриниб турибдики танда ипларининг чизиқли зичлиги ошиб бориши ва арқоқ иплариниг биргаликдаги зичлиги нисбатини камайиб бориши натижасида тўқима ишлаб чиқаришнинг технологик параметрлари ўзгаради. Яъни дастгоҳ бир цикл айланиш жараёнида танда ипларининг кескин бирлашиш моменти кучаяди. Ўрилиш вақтида кучланишнинг ошиши яни тўқиманинг элементи ҳосил бўлган вақтда тўқиманинг структураси ва хусусиятлари ўзгаради. Арқоқ ипларининг зичлиги тўқиманинг структураси ва хусусиятларига тасири бўйича тадқиқотлар натижаси 3.5 расм ва 3.4 жадвалда келтирилган. Тўқиши вақтида пахтадан йигирилан ипнитурли чиқиғи зичликга эга бўлган, ипларнинг боғланиш коеффициентлари турлича тўқималарни тўқилиши натижасида тўқилган тўқиманинг хусусияти ва тузилишида ўзгаришлар олиб борилишига тўғри келади.

#### 3.4-жадвал

Арқоқ ипларининг чизиқли зичлигини тўқиманинг структурси ва  
хусусиятларига тасири

№	Арқоқ ипи чизиқли зичлиги, текс	Узиш кучи, кг.к		Узилишдаги узайиш, мм		Ипларнинг қисқариши, %	
		танда бўйича	арқоқ бўйича	танда бўйича	арқоқ бўйича	танда бўйича	арқоқ бўйича
1.	15,3	42,7	16,1	20	22	5,9	12,4
2.	18,5	43,4	21,3	19	23	6,9	12,1
3	25,0	44,3	33,0	22	24	9,5	11,8
4.	29,4	44,6	39,0	25	25	10,8	11,5
5.	33,3	43,7	42,7	25	26	11,0	11,3
6.	41,6	40,2	55,6	29	29	12,2	11,7
7.	50,0	38,9	62,4	29	31	12,6	11,5



3.5-расм. Арқоқ иларининг чизиқли зичлигини тўқиманинг тузилиши ва хусусиятларига тасири

Арқоқ ипининг диаметрини ошиши тўқиманинг арқоқ ёналиши бўйича узилиш қучини ортишига, танда ва арқоқ йуналиш бўйича чўзилишига, ва танда иларининг қисқаришига олиб келади. Арқоқ бўйича қисқариш эса камаяди. Шундай қилиб тўқима ишлаб чиқаришнинг технологик омиллари унинг тузилиши хусусияти танда арқоқ иллари ишлатиладиган диаметрларининг нисбатига боғлиқ. Тўқимада танда ва арқоқ иларининг зичлиги ва уларинг нисбати тўқиманинг хусусиятлари ва тузулишига сезиларли даражада тасир кўрсатади. Тўқима зичлигининг ўзгариши тўқима ишлаб чиқаришнинг технологик омиллари унинг хусусиятлари ва тузулишининг ўзгаришига олиб келади. Тўқиманинг зичлиги ўзгариши сабабли жипслаштириш вақтидаги тарангликнинг ўзгариши тўқиманинг хусусияти ва тузилишида турли ўзгаришлар бўлиши 3.5-жадвалда келтирилган. Шу тариқа СОМЕТ тўкув дастгоҳида пахта толали иллар  $T=25$  тексли илардан тўқима намуналари ишлаб чиқарилганда тўқиманинг арқоқ бўйича зичлигининг ошиб бориши билан танда иларининг таранглиги ўрта ҳолат миқдорида, ҳомуза ҳосил қилишда ва жипслаштириш жараёнида ошиб боради. Арқоқ бўйича зичликнинг ортиши, танда ипининг қисқариши камайишига, арқоқ или қисқариши ортишига олиб келади(3.6-расм)

Тўқима хусусияти ва тузилишига арқоқ бўйича зичликнинг таъсири

№	Тўқима ни танда бўйича зичлиги ип/см	Танда ипини таранглиги, сН.			Узиш кучи, кг.к		Узилишдаги узайиши, мм.		Ипларнинг тўқимада қисқариши, %.	
		Ўрта холат микдори	Хомузга хосил бўлганда	Арқок жиплашганда	Танда бўйича	Арқок бойича	Танда бўйича	Арқок бойича	Танда бўйича	Арқок бойича
1.	14	33	38	44	44	26	18	22	1,0	8,5
2.	16	34	39	46	44	26	18	27	5,3	9,1
3.	18	42	50	60	40	35	18	28	5,0	10,2
4.	20	46	54	64	42	36	19	30	4,7	11,3
5.	22	48	56	66	42	40	17	29	4,5	11,6
6.	24	50	58	68	42	42	21	29	4,2	11,9
7.	26	52	60	71	42	49	21	30	4,0	12,2




3.6-расм. Тўқима хусусияти ва тузилишига арқоқ бўйича зичликнинг таъсири

Ишлаб чиқарилган тўқима намуналаринг тузилиши ва хусусияларини ўрганиш шуни кўрсатдики, тўқима ипларини ўрилиш усули ўзгариши билан тўқиманинг хусусияти ва тузилиши ўзгаради. 3.6-жадвалда тадқиқот натижалари келтирилган.

## Тўқима ўрилишининг тўқима тузилиши ва хусуятига таъсири

Тўқима ўрилишлари	Тўқима зичлиги, ип/см.		Тўқиманинг қисқариши, %		Тўқимани тўлдириш коефициенти		Тўқимани узилиш кучи, кг.к	
	Танда бўйича	Арқок бўйича	Танда бўйича	Арқок бўйича	Танда бўйича	Арқок бўйича	Танда бўйича	Арқок бўйича
Полотно	25	24	8,2	8,0	1,10	1,00	216	204
Саржа 1/3	25	24	4,8	4,2	0,91	0,84	226	211
Саржа 1/5	25	24	3,5	3,0	0,80	0,76	224	213
Сатин 12/5	25	24	2,4	2,2	0,76	0,66	217	203



3.7-расм. Тўқима ўрилишининг тўқима тузилиши ва хусуятига таъсири


Жадвалдаги малумотлар шуни кўрсатадики ўрилиш турнинг ўзгариши яъни тўқима ипларини бир бирини қопланиш узунлигини ошиши билан танда ва арқок ипларини қисқариш камаяди. Пахта, жун толали иплардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ емас чунки иплар ўртасидаги ишқаланиш коефициенти ортиб кетади. Толалар турини ўзгартириш билан тўқиманинг тўқилиш жараёнидаги ишқаланиш коефициенти ўзгаради. 3.6-жадвалдаги малумотлардан кўриниб туриптики полотно ўрилишли тўқималарда тўқиманинг тўлдириш коефициенти юқори бўлади. Шунинг учун жадвалда келтирилган ўрилишларнинг тўлдириш коефициенти ҳақиқий қимати

хисобланиб қийматдан 10-15 % паст бўлади. Шундай қилиб, тўқиманинг ўрилиши унинг тузилишига ва хусусиятларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бундан ташқари тўқиманинг тузилиши ва хусуятларига танда ва арқоқ ипларининг таранглигининг нисбатлари ва уларниң қисқариши таъсир кўрсатади. 3.7 ва 3.8 жадвалда Сомет дастгоҳида ишлаб чиқарилган тўқималарда танда ва арқоқ ипларининг тахтлаш таранглигини қисқаришга қийматли натижалари келтирилган.

### 3.7-жадвал

Тўқимадаги иплар қисқаришини танда иплари тахтлаш таранглигига таъсири


№	Танда ипининг заправка таранглиги, сН/ип	Арқоқ ипининг тахтлаш таранглиги, сН/ип	Ипларниң қисқариши %	
			танда бўйича	Арқоқ бўйича
1	5	15	7,5	6,1
2	10	15	6,9	6,7
3	15	15	6,6	7,6
4	20	15	6,2	8,2
5	25	15	5,7	8,7



3.8-расм. Тўқимадаги иплар қисқаришини танда иплари тахтлаш таранглигига таъсири

**Тўқимадаги иплар қисқаришини арқоқ илларининг тахтлаш таранглигига таъсири**

№	Танда ипининг заправка таранглиги, сН/ип	Арқоқ ипининг заправка таранглиги, сН/ип	Илларнинг қисқариши %	
			Танда бўйича	Арқоқ бўйича
1	5	15	5,7	8,7
2	10	15	6,0	8,1
3	15	15	6,6	7,6
4	20	15	6,9	6,9
5	25	15	7,6	6,4



3.9-расм. Тўқимадаги иплар қисқаришини арқоқ илларининг тахтлаш таранглигига таъсири

3.7-3.8 жадваллардаги малумотларда танда илларининг тахтлаш таранглиги ошиши билан танда илларининг қисқариши камаяди ва арқоқ ипининг қисқариши қўпаяди. Аксинча арқоқ илларининг таранглиги ортиши билан танда илларининг қисқариши ортади ва арқоқ ипининг қисқариши камаяди. Танда илларининг таранглигини тўқима тузилиши ва хусусиятларига тасирини аниқлаш учун турли хил усуллар билан тўқима намуналари ишлаб чиқарилди ва уларнинг айрим омиллари ва хусусиятлари текширилди. Турли

хил тахтлаш таранглигидан түқималар ишлаб чиқарилди, уларнинг қийматлари 19 сН/ипдан 34 сН/ип ( $19,22,25,28,31,34$  Н/ипга қадар ўзгарди). Намуна олишда танда ва арқоқ бойича  $P=18$  ип/см ўрта ҳолат миқдори 50мм бўлган, арқоқ ипига нитрон, капрон ва пахта ипларидан фойдаланиб танда ипларига пахтадан бўлган чизиқли зичлиги 25 текс ли түқима ишлаб чиқилган.

Түқима намуналарини ишлаб чиқариш вақтида танда ипларининг таранглиги маҳсус қурилма ёрдамида аниқланади, тажриба натижалари 3.9-жадвалда келтирилган. Жадвалдаги малумотлар шундан далолат берадики тахтлаш таранглиги ортиши билан барча түқима намуналари ишлаб чиқарилаётганда танда ипларининг таранглиги хомуза очилганда, ўрта ҳолат миқдори ва жисп金沙里шиш вақтида ортади. Енг катта таранглик танда ипларида содир болади. Арқоқ ипларининг хом ашё тури ўзгариши билан тўкувчилик жараёнида танда иплари таранглиги ҳам ўзгаради.




